ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1996 йил, 21 декабрь, шанба № 153 (792). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 21 декабря 1996 г. № 153 (792). ● В розницу — цена свободная

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ОБ УЧРЕЖДЕНИИ НАЦИОНАЛЬНОГО КУБКА УЗБЕКИСТАНА «ЛУЧШИЙ СПОРТСМЕН ГОДА»

В целях стимулирования дальнейшего подъема высшего спортивного мастерства и поощрения спортсменов Узбекистана, добившихся выдающихся результатов, а также придавая особое значение воспитанию молодого поколения в духе патриотизма и преданности Родине на примере лучших спортсменов, прославивших страну на международных спортивных аренах и приумноживших славные традиции узбекского спорта

Кабинет Министров постановляет:

1. Принять предложение Государственного комитета по физической культуре и спорту и Национального олимпийского комитета Республики Узбекистан об учреждении Национального кубка Узбекистана «Лучший спортсмен года».

2. Утвердить положение о Национальном кубке Узбекистана «Лучший спортсмен года» и состав республиканской комиссии.

3. Награждение Национальным кубком Узбекистана «Лучший спортсмен года» производить ежегодно по итогам года.

4. Госкорпорации «Маҳаллий саноат» до 1 марта 1997 года изготовить Национальный кубок Узбекистана «Лучший спортсмен года» и его копии.

5. Министерству финансов предусматривать ежегодное выделение Госкомспорту Республики Узбекистан денежных средств в сумме, эквивалентной 10 (десяти) тысячам долларов США для вручения лучшему спортсмену года.

6. Контроль за выполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан А. Азизходжаева.

Председатель Кабинета Министров И. КАРИМОВ.

г. Ташкент, 20 декабря 1996 г.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 1996 йил 26 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 декабрь куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

24 декабрь соат 12.00 да Олий Мажлисда «Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг мажлиси бўлади, шу куни соат 17.00 да «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг мажлиси ўтказилади.

25 декабрь соат 10.00 да Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг мажлислар залида Халқ демократик партиясининг мажлиси ўтказилади, соат 12.00 да эса Олий Мажлисда ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки тўпланади.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 декабрь куни Республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон матбуоти олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, мамлакатимиз истиқболи, истиқлоли ва равнақи, миллий онг ва тафаккурнинг шаклланиши, халқимиз ғурури ва иймон-эътиқодининг қай даражада мустаҳкамлигига ҳам ҳар жиҳатдан боғлиқ эканини таъкидлади. Президент жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган айни шароитда маънавиятни мустаҳкамлаш ҳамда маърифатпарварликни кенг тарғиб этиш лозимлигини ва бунда матбуотнинг ўрни алоҳида эканини қайд этди.

Матбуотни демократлаштириш ҳақида сўзлар экан, Президент оммавий ахборот воситаларида холис танқидга алоҳида эътибор берилиши, барча, айниқса, раҳбар шахслар танқидга бардошли бўлиши лозимлигини таъкидлади.

— Инсон ҳур ва озод туғилади ва шундай яшаши лозим, — деди Ислом Каримов, — Бунинг учун эса у ана шу олий неъматни асраб ва ардоқлай билиши керак. Халқимиз руҳан тўла қайта уйғонган тақдирдагина бу қадриятлар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олади.

Суҳбат чоғида жамғарма фаолиятини янада жонлантириш, унинг «Ҳуррият» номли янги газетасини нашр этиш, миллий матбуот маркази фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Ўткир Раҳматов, Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст ва Президент девони ахборот маркази раҳбари Абдусаид Кўчимов иштирок этди.

(ЎзА).

К ВИЗИТУ ПРЕЗИДЕНТА КЫРГЫЗСТАНА

По приглашению Президента Ислама Каримова Президент Республики Узбекистан Кыргызской Республики Аскар Акаев 24 — 25 декабря с. г. посетит Республику Узбекистан с официальным визитом.

● ЛИДЕРЫ СНГ

Ислам Каримов в меняющемся мире

Стабильность и предсказуемость. Именно так характеризует курс реформ в Узбекистане его лидер Ислам Каримов. Мы уже сообщали о многостраничном труде Президента республики, выпущенном международным издательством «Палея» в серии «Вожди XX века». Но прошло время, и ныне особенно интересно сравнить, что же воплощено в жизнь автором книги «Стабильность и реформы».

Отрадно заметить — многое. Отрадно еще и потому, что на всем безбрежье СНГ едва ли у какой республики есть четкая, долгосрочная, а главное — обнародованная и одобренная обществом концепция политических и экономических реформ. В Узбекистане она имеется. Озвученная Президентом Каримовым еще в 1990 году, она доступна пониманию любого гражданина. Ибо покоится на пяти простых принципах, перечисление которых не займет ни места, ни времени. Это приоритет экономики над политикой, последовательность и постепенность реформ во избежание «шоковой терапии», главенствующая роль государства как реформатора и создателя правовой базы нового общества, сильная социальная политика в поддержку населения, принявшего на себя основные тяготы переходного периода, и, наконец, открытость Узбекистана миру, его постепенное «встраивание» в мировое народное хозяйство и общественно-политические процессы.

Для себя Ислам Каримов определил новый курс еще короче: «Не построив новый дом, не разрушай старого». Этот постулат, взятый из народной мудрости, и стал мерилом направления бурных преобразований последних лет.

Из некогда дотируемой центром республики СССР Узбекистан стал независимым государством, опирающимся только на собственные ресурсы и возможности. Из «хлопкового цеха» Союза он превратился в республику с самодостаточной экономикой, чистым «кредитным листом» и минимальным дефицитом бюджета на уровне 3,5 процента ВВП (1995 год). Политическая стабильность и согласующаяся с международными стандартами правовая база привлекают в Узбекистан крупные капиталовложения. Зарубежные инвесторы теперь нередко теснят друг друга, участвуя в международных тендерах по освоению неисчерпаемых подземных и природных богатств «золотоносного» во всех смыслах региона.

Даже штриховое обозначение сделанного за 5—6 лет заняло бы слишком много места. Позиции Узбекистана в справочниках СНГ нередко открывают столбцы цифр и данных. Сохранена и набирает обороты промышленность, появились новые ее отрасли — автомобилестроение, нефтедобыча и переработка, производство пластмасс, кормоуборочной и зерноуборочной техники, уникальные золотодобывающие технологии и многое другое. То же — в сельхозпроизводстве, некогда полностью зависевшем от союзного стола.

Словом, Узбекистан стал государством не по наличию Флага, Гимна и Конституции, а по всему спектру признаков самостоятельности.

По сему даже простое сравнение по схеме: вот книга, а вот жизнь, как она есть, убеждает в жизнеспособности идей. Не все так идеально, и действительность вносит свои, порой весьма существенные коррективы. Мешает сонм бюрократов, казнокрадов и мздоимцев, чинуш-перестраховщиков, любителей поживиться на таготах переходного периода. Но главное в том, что идеи, выношенные и выстраданные реформатором номер один, государства оказались верны, обрели плоть и кровь, проникли в самые отдаленные уголки республики, одолевают инертность и леность ума части общества. Признать это вынуждены были и немногочисленные оппозиционеры, участвовавшие нынешней осенью в Ташкенте в семинаре ОБСЕ по правам человека.

Самому же Каримову это своеобразное «протаскивание общества через игольное ушко реформ», эта громада дел, спрессованная временем, обстоятельствами и людским нетерпением, дается, ой, как нелегко. Как признается он сам с откровенностью много взвалившего на себя человека: «Не все идет так, как хотелось бы, потому что вкладываешь очень много, а результата, которого ждешь, не всегда получаешь». И в том плане, когда вокруг тебя вроде бы есть много людей, как говорят, команда помощников, и когда люди, призванные брать на себя ответственность и часть нагрузки, не берут ее, то самое главное — принимать решения становится с каждым днем все труднее и труднее. Поэтому у меня возникает вопрос, почему вроде бы горизонты яснее, результаты работы вроде бы виднее, но проблем не уменьшается?

Влекомый бешеным водоворотом дел и событий первый президент независимого Узбекистана, человек, известный мировому сообществу как один из самых ярких новых лидеров на современном политическом небосклоне, мечтает как о чем-то недостижимом, об очень простом: четком рабочем дне, отпуске, передышке. Но не приемлет неукротимый характер Президента Узбекистана спокойной жизни. Она ему противопоказана.

Рустем ТЭЛЛЬ.

Ташкент (газета «Рабочая трибуна», 6 декабря, 1996 г.).

Япония Бош вазири билан учрашув

ТОКИО, 20 декабрь (ЎзА махсус мухбири Ўктам Мирзаёр хабар қилади). «Ўзбекистон — Япония» — «Япония — Ўзбекистон» иқтисодий ҳамкорлик қўмиталарининг учинчи қўшма мажлиси иштирок этиш учун Токиога ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов Япония Бош вазири Рютаро Хасимото билан учрашди.

Учрашувда Япония Бош вазири икки мамлакат ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорликдан мамнунлигини изҳор этди.

Самимий вазиятда ўтган суҳбат чоғида, шунингдек, Ўзбекистон — Япония ўзаро манфаатли ҳамкорлиги истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

***

Токиода Ўзбекистон элчихонасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда «Ўзбекистон — Япония» — «Япония — Ўзбекистон» иқтисодий ҳамкорлик қўмиталарининг учинчи қўшма мажлиси қатнашчилари иштирок этди. Ўзбекистон делегацияси раҳбари, республика Бош вазири Ў. Султонов элчихонанинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Маросимда Токиода Ўзбекистон элчихонасининг фаолият кўрсата бошлаши икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик равнақида муҳим омил бўлиши таъкидланди. Маросимда Япония ишбилармонлари ҳамда кўплаб хорижий давлатларнинг Японияда элчихоналари вакиллари қатнашди.

«Митсубиси» компаниясининг қабуллар уйида эса Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат ушмаси билан мазкур компания ўртасида Шаҳрисабз ва Чиноз шаҳарларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

(ЎзА).

● АЪЛО ХИЗМАТИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА!

Мотоўқчилар бўлинмасининг катта ўқчиси, оддий аскар Зафарбек Шамсиев Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган барча сафдошлари қаторида «Ватан ҳимоячилари куни» [illegible] ютуқлар билан кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

А. ЭШБОЕВ сурати.

МАҚТОВЛАРГА САЗОВОР ПОСБОН

Оддий аскар Алишер Нишоновнинг ўз йигитлик бурчини шараф билан ўташ ниятида хизматга келганига ҳам бир йилдан ошди. Ҳозирги кунда у ҳарбий жамоада кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда. Зероки, у хизматининг илк дақиқалариданоқ ҳарбий Қасамёдга содиқ қолиб, аълочи солдатлар сафидан жой олишга ҳаракат қилди. Қийинчиликлардан чўчимади, мутахассислиги сир-асрорларини эгаллаш ўрганишда офицер ва кичик командирларнинг маслаҳатлари ҳамда кўрсатмаларига қатъий амал қилди, бетиним ўз устида ишлади.

Моҳир ҳайдовчи оддий аскар Алишер Нишонов ёзги мавсум якуний синов машғулотларида юқори натижаларни қўлга киритиб, текширувчилар миннатдорчилигига сазовор бўлди. Намунали хизматлари учун унга бўлинма қўмондонлиги қисқа муддатли таътил берди.

Айни пайтда бу етакчи посбон меҳнатсевар сафдошлари билан елкадош бўлиб қизғин давом эттирган қишки мавсумнинг барча тайёргарлик машғулотларида сидқидилдан қатнашмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 5 йиллик тўйини хизматда қўлга киритган ютуқлари—муносиб туҳфа билан кутиб олиш ниятида.

Прапорщик Ҳ. ҚОДИРОВ.

Боевой учебы ритм

С каждым днем все увереннее набирает обороты боевая учеба воинов-узбекистанцев. Отовсюду из гарнизонов поступают в редакцию весточки об их успехах в ратном труде, посвященных предстоящей 5-й годовщине со дня образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Повсюду — в поле, в классах, на огневых рубежах, в спортивных городках военнослужащие стремятся действовать мастерски и умело.

ДЕЙСТВОВАЛИ УВЕРЕННО

Перед началом нового учебного года личный состав батареи, которой командует капитан А. Лепесов, заметно обновился. На смену уволившимся в запас опытным огневикам пришли молодые воины. Их быстрый ввод, становление, достижение слаженности в расчетах — эти задачи наряду с другими стояли перед офицерами коллектива. И они их успешно решают. На прошедшем недавно тактико-специальном занятии подразделение уверенно справилось с поставленными задачами, большинство новичков показали возросшую боевую выучку.

ПО ПРИМЕРУ ОФИЦЕРОВ

Умело действовали во время первых занятий сержанты и солдаты мотострелковых подразделений отдаленного гарнизона. Им было на кого равняться. Пример показывали офицеры — майоры К. Ахмедов, В. Скрыль, капитан М. Бегчаев, старший лейтенант У. Бобомурадов. Так, старший лейтенант Р. Джаппаров отличился в ходе занятий с использованием боевой техники. Он четко и уверенно командовал подразделением. Не подвели своего командира сержанты Н. Ходжаев, В. Телешов, младший сержант Х. Рахмонов.

Или взять рядовых Н. Абдуллаева и Н. Зулупова, оба они — члены лучшего отделения. В ходе беседы с ними каждый высказал одну и ту же мысль: не хотел и не мог подвести командира, который показывал пример.

ЗАСЛУЖЕННЫЙ ОТПУСК

Прекрасное настроение сегодня у рядового А. Касымова. Еще бы! За отличные действия на занятиях ему объявлен краткосрочный отпуск.

Касымова ценят и уважают в коллективе за профессионализм, добрый, открытый характер, умение отстоять свою точку зрения, а еще за то, что никогда ни при каких обстоятельствах не прячется за спины сослуживцев. Он настоящий разведчик — крепкий физически, волевой, решительный, думающий.

Добрые дела, отличная служба рядового Касымова — хороший пример новичкам.

В НАГРАДУ — РАКЕТКИ

Любители тенниса найдутся, уверен, в каждом подразделении. Не очень сложно бывает решить и проблему с соответствующим инвентарем. Но известно также, что ракетка ракетке рознь. О самых настоящих мечтает каждый.

А вот воины подразделения, в котором служит младший сержант Р. Мавлянбердыев, набор прекрасных импортных теннисных ракеток выиграли. Да, именно таким был приз победителям военизированной эстафеты «А ну-ка, воин!», состоявшейся в части. Вклад в победу внесла вся команда. Но особенно порадовали высокими результатами рядовые Н. Ерматов, А. Погорелов, В. Холодилов. И в результате — заслуженная победа.

Приз вручил воинам начальник физической подготовки части старший лейтенант Эрмек Убиниязов. Ракетки пригодились как нельзя кстати. Ведь воины этой роты в свободное время занимаются спортом.

Подборку подготовил майор Б. ДЖУРАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

ВОСПИТАНИЕ ИСТОРИЕЙ

На днях подписано Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О подготовке и издании «Новой истории Узбекистана». Значение этого документа трудно переоценить. Сейчас, когда в нашей стране происходят кардинальные изменения, формируется новая политическая система, когда на наших глазах государство становится не абстрактно, а реально целостным обществом, где утвердились мир, стабильность и согласие, а национальная идеология независимости завоевывает умы и сердца, мы как никогда нуждаемся в новой, подробной и объективной истории нашей страны, соответствующей новому историческому этапу.

Само название постановления — «О подготовке и издании «Новой истории Узбекистана» — носит директивный характер. Оно определяет состав участников подготовки «Новой истории Узбекистана», а это ученые, специалисты, эксперты Академии наук Узбекистана, Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан, министерства, ведомства.

Значение постановления состоит в том, что оно определяет не только организационную сторону этого вопроса, но и обращает внимание общественно-научного совета на **четко сформулированные основные направления работы**, или, другими словами, излагает **программу деятельности**, включающую в себя полный охват исторических этапов и перемен, происходивших в жизни нашего народа. Здесь и освещение исторических процессов, связанных с судьбой нации в прошлом нашего народа, и необходимость учета самобытных традиций государственного строительства, и рассмотрение нашей истории как составной части истории Туркестана, и связь с мировыми прогрессивными процессами, и взаимовлияние этих процессов и культур, и, наконец, значение истории для воспитания у молодежи идей национальной независимости, патриотизма и общечеловеческих ценностей.

Согласитесь, задачи эти непростые. Вроде бы, нет ничего проще, как воспроизвести прошлые события, тем более, что источников имеется немало, но в то же время нет ничего сложнее, чем разобраться во всей совокупности, во всей противоречивости, во всем противоборстве сил, действующих в данный исторический момент в данных условиях в данной обстановке. И вот тут **важно не допустить одностороннего, субъективного подхода**, более того, важно **соблюдать единый объективный метод исследования**. Да, это непростая задача, но только так можно добиться достижения целей, обозначенных постановлением.

Итак, положено начало большому и нужному делу. Здесь я хочу особо подчеркнуть дальновидность и мудрость Президента И. А. Каримова. И вот почему. Создание «Новой истории Узбекистана» не позволит иссякнуть истокам любви нашей к национальному наследию великих предков и одновременно даст возможность заполнить тот вакуум, который образовался в познании истории. Если мы хотим, чтобы независимость убрала все завалы на нашем пути, оздоровила общественное сознание, нам нужна именно такая история, свободная от чуждой нам идеологии, фальсификации прошлого и недопонимания настоящего. А для этого мы должны пройти закалку исторической правдой и исторической объективностью.

История — древнейшая и богатейшая наука. Чем больше мы к ней обращаемся, тем больше понимаем, что нам надо делать и сегодня, и завтра. В этой связи хочется сказать, что составителям новой истории **надо непременно широко использовать труды Президента И. А. Каримова.** Они, и только они могут послужить хорошей методологической основой для этого капитального труда, что особенно важно для сегодняшнего дня. Суть народной мудрости и здравого смысла состоит в том, что, строя независимое государство с великим будущим, он извлекает для себя уроки даже из тяжелых и трагических периодов своей истории. Извлекает, чтобы успешнее двигаться вперед по пути прогресса.

Нам надо помнить и еще одну истину: история учит, наставляет, помогает в том случае, если она объективно отражает общественные процессы и, наоборот, она деформирует общественное сознание, если написана конъюнктурно, субъективно, с позиций приспособленца или современного обывателя. Чтобы не наделать ошибок и не наломать дров, надо во всей этой работе ни на минуту не забывать об огромной ответственности перед народом, ради которого все это и совершается.

И, наконец, о воспитании историей. Думаю, не ошибусь, если скажу, что без такого капитального учебника по истории трудно рассчитывать на успех в воспитании молодежи. История—это наше великое героическое прошлое и не менее героическое настоящее, это обычаи, традиции, язык, культура народа. «Без воспитания любви и уважения к своему народу, — писал Ислам Абдуганиевич Каримов в книге «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса»,— его традициям, языку, культуре невозможно воспитать настоящего человека, патриота своей Родины». Надо, чтобы каждый из нас был патриотом не на словах, а на деле, и каждодневно вносил свой вклад в усиление могущества и благополучия страны.

Мысль Президента нашей страны особенно важна для Вооруженных Сил, для воспитания воина — подлинного патриота своей независимой Родины, формирования у него высоких патриотических чувств, верности Отечеству, своему воинскому долгу. Уверен, «Новая история Узбекистана» станет документом огромной силы и воздействия, надежным средством воспитания подрастающего поколения — будущего нашей страны. Она, несомненно, еще выше поднимет национальное достоинство, честь и славу нашего народа, уверенно строящего свое светлое будущее.

А. ХЛЫЗОВ.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг интизом Низоми

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1996 ЙИЛ 9 ОКТЯБРДАГИ ФАРМОНИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

Ушбу Низом ҳарбий интизомнинг моҳиятини, ҳарбий хизматчиларнинг унга риоя қилиш бўйича мажбуриятларини, рағбатлантириш ва интизомий таъзирларнинг кўринишларини, командирларнинг (бошлиқларнинг) уларни қўллаш бўйича ҳуқуқларини, шунингдек, таклиф, ариза ва шикоятлар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартибларини аниқлаб беради.

Ҳарбий қисмларнинг, кемаларнинг,штабларнинг, бошқармаларнинг, муассасаларнинг корхоналарнинг, ташкилотларнинг ва ҳарбий билим юртларининг барча ҳарбий хизматчилари ўз ҳарбий унвонлари, мавқелари ва хизматларидан қатъи назар ушбу Низомнинг талабларига қатъиян риоя қилишлари лозим.

Низом Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, бошқа тегишли вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий хизматчиларига нисбатан бир хил кучга эгадир.

Бундан ташқари, интизом Низоми қоидалари ҳарбий хизматдан ҳарбий уст-бош кийиб юриш ҳуқуқи билан бўшатилган фуқароларга нисбатан ҳарбий уст-бош кийиб юрган пайтда ўз кучига эгадир.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ҳарбий интизом — бу барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун, ҳарбий Низомлар томонидан, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этилишидир.

2. Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган **ҳарбий бурч ва шахсий масъулият**, ўз халқига **мислсиз садоқатини** ҳис қилишига асосланади.

Ҳарбий хизматчиларда юксак интизомни тарбиялашнинг асосий усули ишонтиришдир. Аммо ишонтириш ўз ҳарбий бурчига сидқидилдан ёндашмаганларга нисбатан мажбурий чоралар кўришни истисно этмайди.

3. Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчидан:

— Ҳарбий Қасамёдга содиқ бўлишни, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Конституциясига қатъий бўйсунишни;

— ўз ҳарбий бурчини моҳирлик ва жасорат билан бажаришни, ҳарбий ишни сидқидилдан ўргатишни, ҳарбий ва давлат мулкини асрашни;

— ҳарбий хизмат қийинчиликларини мардонавор енгишни, ҳарбий бурчини бажариш учун ўз жонини ҳам аямасликни;

— сергак бўлишни, ҳарбий ва давлат сирларини қатъий сақлашни;

— ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ҳарбий Низомларда кўрсатиб берилган ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлашни, жанговар биродарликни мустаҳкамлашни;

— командирларга (бошлиқларга) ва бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, ҳарбий салом-алик ва хушфеъллик қоидаларига риоя қилишни;

— жамоат жойларида ўзини муносиб тутишни, номуносиб ҳатти-ҳаракатлардан ўзини ва бошқаларни тийиб қолишни ва фуқароларнинг ор ва номусини ҳимоя қилишни талаб этади.

8. Командир (бошлиқ) фаолиятининг бевосита натижаси сифатида юз бермаган жиноят, ҳодиса ва кор-ҳол учун ёки уларнинг олдини олиш тўғрисидаги огоҳлантиришдан сўнг ҳам чора кўрилмаган ҳолларда, у жавобгар бўлмайди.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи тартиб ва интизом ўрнатилишида командирга (бошлиққа) кўмакчи бўлиши керак. Бу ишдан бўйин товлаган ҳарбий хизматчи жавобгарликка тортилади.

9. Яккабошлиқликнинг асосий принципи командир (бошлиқ)нинг буйруқ бериш ҳуқуқи ва унинг қўл остидагиларнинг сўзсиз бажаришига асосланади. Командир (бошлиқ)га очиқ-часига бўйин эгмаслик ёки қаршилик кўрсатиш ҳоллари юз берганда, тартиб ва интизомни тиклаш учун у айбдорни қонун ва ҳарбий Низом доирасида барча мажбурлаш чораларини қўллаш, ҳатто қамоққа олиши ва уни жиноий жавобгарликка тортиши мумкин. Бундай ҳолда қурол жанговор зиёнда, тинч даврда эса фавқулодда ҳолатларда, қонунлик шароитида, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ички хизмат Низоми талаблари доирасида қўлланиши мумкин.

АСКАР, МАТРОС, СЕРЖАНТ ВА СТАРШИНАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИНТИЗОМИЙ ТАЪЗИРЛАР

48. Муддатли хизматни ўтаётган аскар ва матросларга қуйидаги таъзир чоралари қўлланилиши мумкин:

а) ҳайфсан;

б) қаттиқ ҳайфсан;

в) аскар ва матросни навбатдаги жавоб беришдан ёки кемадан соҳилга чиқаришдан маҳрум қилиш;

г) муддатли ҳарбий хизматдаги аскар ва матросларни 5 нарядгача навбатдан ташқари нарядга тайинлаш;

д) 10 суткагача гауптвахтага банди қилиш;

е) аълочининг кўкрак нишонидан маҳрум қилиш.

49. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган сержант ва старшиналарга қуйидаги таъзир чоралари кўрилади:

а) ҳайфсан;

б) қаттиқ ҳайфсан;

в) қисм ҳудудидан навбатдаги жавоб беришни бекор қилиш;

г) 10 суткагача гауптвахтага банди қилиш;

д) аълочининг кўкрак нишонидан маҳрум қилиш;

е) лавозимидан пасайтириш;

ж) ҳарбий унвондан бир погона пасайтириш;

з) ҳарбий унвондан бир погона пасайтириб, паст лавозимга ўтказиш;

и) қуйи лавозимга ўтказиб, сержант (старшина) унвонидан маҳрум қилиш.

50. Ҳарбий хизматни шартнома асосида ўтказаётган аскар, матрос, сержант ва старшиналарга қуйидаги таъзир чоралари қўлланилиши мумкин:

а) ҳайфсан;

б) қаттиқ ҳайфсан;

в) 10 суткагача гауптвахтага банди қилиш;

г) аълочининг кўкрак нишонидан маҳрум қилиш;

д) хизматга нотамом нолойиқлиги тўғрисида огоҳлантириш;

е) мансабдан пасайтириш; погона пасайтириш;

ж) ҳарбий унвондан бир погона пасайтириш;

з) ҳарбий унвондан бир погона пасайтириб, паст лавозимга ўтказиш;

у) заҳирага муддатидан олдин бўшатиш;

к) муддатидан олдин заҳирага бўшатиб, сержант (старшина) унвонидан маҳрум қилиш.

Хизматни аскар, матрос, сержант, старшина сифатида ўтказаётган **аёл ҳарбий хизматчилара** ушбу модданинг «в» банди ва 49-модданинг «в» ва «д» бандларидаги таъзирлар инобатга олинмайди.

Командирлар (бошлиқлар)нинг ўз қўл остидаги аскар, матрос, сержант ва старшиналарга интизомий таъзир бериш ҳуқуқлари:

51. Бўлим командири қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳайфсан ва қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш;

б) муддатли хизматдаги аскар, матросларни ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарига ёки кемадан соҳилга жавоб беришдан маҳрум қилиш;

в) муддатли хизматдаги аскар ва матросларни навбатдан ташқари бир наряд ишга тайинлаш.

52. Взвод командирининг ўринбосари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳайфсан ва қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш;

б) муддатли хизматдаги аскар, матросларни ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарига ёки кемадан соҳилга жавоб беришдан маҳрум қилиш;

в) муддатли хизматдаги аскар ва матросларни навбатдан ташқари 2 нарядгача ишга тайинлаш.

53. Рота (команда) **старшинаси** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳайфсан ва қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш;

б) муддатли хизматдаги аскар ва матросларни ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарига ёки кемадан соҳилга жавоб беришдан маҳрум қилиш;

в) муддатли хизматдаги аскар ва матросларни навбатдан ташқари 3 нарядгача ишга тайинлаш;

54. Взвод (гуруҳ) **командири** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳайфсан ва қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш;

б) муддатли хизматдаги аскар, матрос, сержант ва старшиналарни ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарига ёки кемадан соҳилга жавоб беришдан маҳрум қилиш;

в) муддатли хизматдаги аскар ва матросларни навбатдан ташқари 4 нарядгача ишга тайинлаш.

55. Рота (4-ранг кема) **командири** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳайфсан ва қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш;

б) муддатли хизматдаги аскар, матрос, сержант ва старшиналарни ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарига ва кемадан соҳилга жавоб беришдан маҳрум қилиш;

в) муддатли хизматдаги аскар ва матросларни навбатдан ташқари 5 нарядгача ишга тайинлаш;

г) аскар, матрос, сержант ва старшиналарни 3 суткагача гауптвахтада ушлаб туриш учун банди қилиш.

56. Батальон (3-ранг кема) **командири** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳайфсан ва қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш;

б) муддатли хизматдаги аскар, матрос, сержант ва старшиналарни ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарига ёки кемадан соҳилга жавоб беришдан маҳрум қилиш;

в) муддатли хизматдаги аскар ва матросларни навбатдан ташқари 5 нарядгача ишга тайинлаш;

г) муддатли хизматдаги аскар, матрос, сержант ва старшиналарни 5 суткагача гауптвахтада ушлаб туриш учун банди қилиш, шартнома бўйича ҳарбий хизматга кирган аскар, матрос, сержант ва старшиналарни эса 7 суткагача.

Алоҳида батальон (2-ранг кема) командири, шунингдек, интизомий ҳокимиятга 11-моддага биноан эга бўлган батальон командирлари (3-ранг кема) мавқеидаги алоҳида ҳарбий қисм командирлари бундан ташқари 57-модданинг «д», «ж» бандларига таъзир чораларини қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

57. Бригада (полк) **командири** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳайфсан ва қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш;

б) муддатли хизматдаги аскар, матрос, сержант ва старшиналарни ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарига ёки кемадан соҳилга жавоб беришдан маҳрум қилиш;

в) муддатли хизматдаги аскар ва матросларни навбатдан ташқари 5 нарядгача ишга тайинлаш;

г) аскар, матрос, сержант ва старшиналарни 10 суткагача гауптвахтада ушлаб туриш учун банди қилиш; ҳарбий хизматни шартнома бўйича ўтаётган аскар, матрос, сержант ва старшиналарни 7 суткагача;

д) аълочининг кўкрак нишонидан маҳрум қилиш;

е) хизматни шартнома бўйича ўтаётган сержант ва старшиналарнинг шартнома бўйича хизматга нотамом нолойиқлиги ҳақидаги огоҳлантириш;

ж) муддатли хизматдаги сержант ва старшиналарни лавозимидан пасайтириш;

з) муддатли хизматдаги сержант ва старшиналарни ҳарбий унвонидан — катта сержантдан бош старшина ва ундан қуйи бир погона пасайтириш, шу жумладан қуйи лавозимга ўтказиш;

и) муддатли хизматдаги сержант ва старшиналарни катта сержантдан бошлаб бош старшина ва қуйигача сержантлик ва старшиналик унвонидан маҳрум қилиш, шу жумладан қуйи лавозимга ўтказиш.

Интизомий таъзирларни ижро этиш тартиби

93. Берилган интизомий таъзирларнинг тартиби ва қўлланилиши ушбу Низомда кўрсатилмаган бўлса унда:

— аскар, матросларга — шахсан ва саф олдида;

— сержант ва старшиналарга — шахсан, йиғилишда ёки сержант ва старшиналар сафи олдида;

— прапоршчик ва мичманларга — шахсан, прапоршчик ва мичманлар йиғилишида, шунингдек, прапоршчик, мичман ва офицерлар йиғилишида;

— офицерларга — шахсан, кўрсатма орқали ёки йиғилишда (катта офицерларга — катта офицерлар иштирокида, олий офицерларга — олий офицерлар иштирокида). Бундан ташқари, интизомий таъзирлар буйруқ орқали ҳам эълон қилиниши мумкин.

Командирлар (бошлиқлар)га ўз қўл остидагилар ҳузурида интизомий таъзир бериш таъқиқланади.

Ҳарбий хизматчига интизомий таъзир эълон қилинганда жазолашга олиб келган сабаблар ва ҳарбий интизомни ёки жамоат тартибини бузилиш сабаблари кўрсатилади.

95. Ҳарбий қисм ҳудудидан навбатдаги жавоб беришдан маҳрум қилиш муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни хизмат заруратисиз ҳарбий қисм ҳудудидан 7 суткагача чиқишини таъқиқлайди, жумладан (бўлима таркибида) жамоа бўлиб ҳарбий шаҳарчадан ташқарида жойлашган маданий истироҳат ўчоқларига ва дам олиш жойларида қатнашишини ман этади.

96. Интизомий таъзир — **иш учун навбатдан ташқари нарядга жўнатиш** — рота (команда) старшинаси ёки взвод командирининг ўринбосари томонидан ижро этилади.

Муддатли хизматдаги аскар ва матрослар, шунингдек, ҳарбий ўқув юртининг курсантлари ишга навбатдан ташқари нарядга тайинланганида ўз бўлинмаси ёки ҳарбий қисмда машғулотлардан бўш вақтда, ҳафтанинг ҳар қандай куни бу ишни бажаришга жалб этиладилар. Бир иш нарядининг вақти суткада 4 соатдан ошмаслиги керак. Иш тунги ўйқу вақтигача бажарилиши лозим.

97. Гауптвахтада ушлаб туриш учун банди қилиш энг оғир таъзир чораларидан ҳисобланади ва ҳарбий хизматчи томонидан қўпол интизомий хатти-ҳаракат содир этилганда ёки командир (бошлиқ)нинг бошқа чоралари самарасиз бўлганда қўлланилади.

Ҳарбий Қасамёд қабул қилмаган ҳарбий хизматчига нисбатан гауптвахтада ушлаб туриш учун банди қилиш қўлланилмайди.

Аскарлар, матрослар, сержантлар ва старшиналарга қўлланиладиган рағбатлантиришлар

18. Солдат, матрос ва старшиналарга қўлланиладиган **рағбатлантириш** кўринишлари қуйидагилар:

а) олдин берилган интизомий таъзир чораларини бекор қилиш;

б) миннатдорчилик эълон қилиш;

в) ҳарбий хизматчининг юртига ёки хизматгача бўлган ўқув жойи (иш жойи)га унинг ҳарбий бурчни намунали бажараётгани ва рағбатлантириш олганлиги тўғрисида хабар бериш;

г) Фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо совға ё пул билан мукофотлаш;

д) ҳарбий хизматчини ҳарбий қисм Жанговар Байроғи ёнида суратга олиш билан тақдирлаш;

е) сержантлар (старшиналар)га улар штат бўйича эгаллаб турган лавозимидаги ҳарбий унвонидан бир погона юқори ҳарбий унвон бериш;

ж) аълочининг кўкрак нишони билан тақдирлаш;

з) солдат, матрос, сержант, старшиналарнинг фамилияси, исмини, отасининг исмини ҳарбий қисм (кема)нинг Хурмат Китобига киритиш (2-илова);

и) аскар, матрос, сержант, старшиналарга (ҳарбий ўқув юрти курсантлари бундан истисно) йўлга кетган вақтдан ташқари 10 суткагача таътил бериш.

Ҳарбий хизматни шартнома асосида аскар, матрос, сержант, старшина лавозимида ўтаётган ҳарбий хизматчиларга юқори рағбат кўринишларининг «в» ва «и» пунктларидан бошқа барчаси қўлланилади.

35. Рағбатлантириш — **ҳарбий хизматчининг юртига ёки хизматгача бўлган иш (ўқув) жойига унинг ҳарбий бурчни намунали бажараётгани ва рағбатлантириш олганлиги тўғрисида хабар бериш** орқали, шунингдек, у муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳам қўлланилади, бунда унинг юртига ёки олдинги иш (ўқув) жойига ҳарбий бурчни намунали бажараётгани ва рағбатлантириш олганлиги тўғрисида миннатдорчилик хати тарзида жўнатилади.

36. Рағбатлантириш — **Фахрий ёрлиқ билан, қимматбаҳо совға ёки пул билан мукофотлаш** — барча ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган ва у миннатдорчилик билдириш билан бир вақтда ўтказилиши, бунда Фахрий ёрлиқ билан алоҳида ҳарбий хизматчилар ҳам, бўлинманинг, ҳарбий қисмнинг барча шахсий таркиби мукофотланиши ҳам мумкин, қоидага кўра бундай тақдирлаш ўқув даврининг якунида (ўқув йилининг), заҳирага бўшатилганда (истеъфога чиққанда), мусобақа (тортишув) якунлари чиқарилганда амалга оширилади.

37. Рағбатлантириш — **ҳарбий қисм Жанговар Байроғи олдида ҳарбий хизматчининг шахсий суратини олиш билан мукофотлаш** — солдат, матрос, сержант ва старшиналарга нисбатан қўлланилади.

Бу рағбатлантириш қўлланилган ҳар бир ҳарбий хизматчига икки донадан сурат топширилади (ҳарбий хизматчи парад-байрам либосида, қуролланган ҳолда суратга тушади), суратнинг орқа томонида кимга ва нима учун берилганлиги ёзиб қўйилади.

39. **Аълочининг кўкрак нишони** билан бутун ўқув даврида аълочи бўлган солдат, матрос, сержант, старшиналаргина ва бутун ўқув йили мобайнида аълочи бўлган ҳарбий билим юртининг курсантлари тақдирланади.

40. Рағбатлантириш — **ҳарбий қисм Хурмат Китобига киритиш** — қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

— муддатли хизматдаги аскар, матрос, сержант, старшиналарга хизматни ўташдаги юқори интизом ва онглилик намунаси ва жанговар тайёргарликдаги аъло натижалари учун заҳирага бўшатишдан олдин (ҳарбий ўқув юртлари курсант ва тингловчилари — ўқув якунида);

41. Рағбатлантириш — **муддатли хизматдаги солдат, матрос, сержант ва старшиналарга** (ҳарбий ўқув юрти курсантлари бундан истисно) **қисқа муддатли таътил бериш** — йўлга кетган вақт ҳисобга олинмасдан 10 суткагача таътил жанговар тайёргарликдаги аъло натижалари, хизматдаги тиришқоқлиги ва ўрнак бўлганлиги учун берилади.

Таклифлар, аризалар ва шикоятлар тўғрисида

107. Ҳарбий мулкнинг талон торож қилиниши ёки бузилиши, пул маблағларининг ноқонуний сарфланиши, қўшин таъминотидаги суиистеъмолликларни, қурол ва ҳарбий техникани таъминлашдаги камчиликлар ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига зарар келтирувчи бошқа фактларни аниқланганда ҳарбий хизматчи ўз бевосита бошлиғига хабар бериши, шунингдек, бу камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз таклифларини ёзиб бериши ёки катта бошлиқдан тортиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазиригача, ҳарбий адлия органлари ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ариза юбориши мумкин. Ҳарбий хизматчи, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари тўғрисида судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

108. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзига нисбатан командирлар (бошлиқлар) ёки бошқаларнинг ноқонуний ҳаракатлари, қонун томонидан ўрнатилган ҳуқуқ ва имтиёзларининг бузилиши, шунингдек, шароитнинг қониқарсизлиги тўғрисида шикоят бериши мумкин.

Шикоят кимнинг устидан арз қилинган бўлса, ўшанинг бевосита бошлиғига берилади, агар шикоятчи кимнинг айби билан ўзининг ҳуқуқи бузилаётганини билмаса, шикоят команда бўйича топширилади.

Шикоят қилувчи ҳарбий хизматчи буйруқларни бажариши ва ўз хизмат масъулиятидан озод қилинмайди.

113. Таклиф (ариза, шикоят) оғзаки баён этилиши ёки ёзма тарзда топширилиши мумкин. Сўнгги ҳолатда унга ҳарбий хизматчи томонидан имзо чекилиши, фамилияси, шунингдек, унинг яшаш ёки хизмат (ўқув) жойи ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлиши керак. Таклиф (ариза, шикоят)да юқоридаги маълумотлар бўлмаса, у аноним ҳисобланади ва текширилмайди.

117. Ҳарбий хизматчиларнинг таклиф, ариза ва шикоятлари бўйича қарорлар қабул қилинади:

— ҳарбий қисмларда — ортга сурилмасдан, лекин ариза тушгандан бошлаб 15 сутка ичида;

— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаларида ариза тушгандан бошлаб бир ой ичида.

Таклиф (ариза, шикоят)ни очиш учун махсус текширув ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ва бошқа тадбирлар қабул қилиш учун, таклиф (ариза, шикоят)ни очиш учун истисно тариқасида ҳарбий қисм командири томонидан қўшимча 15 кунгача вақт қўшиб берилиши ва бу таклиф (ариза, шикоят) эгасига хабар қилиниши лозим.

Ҳарбий-сиёсий янгиликлар

ҲАРБИЙ АКАДЕМИЯ ОЧИЛДИ

Вишков шаҳрида шахсий таркибнинг қуйи босқичидаги ҳарбийларни тайёрловчи академия фаолият кўрсата бошлади. Бу НАТО талабларига тўлақонли жавоб берувчи Чехия Республикасидаги илк олий ҳарбий ўқув юрти. Ҳарбий олийгоҳда сержант ва прапоршчиклар тайёрланиб, улар шартнома асосида камида 5 йил муддатда армияда хизмат қилиши шарт.

Академиянинг матбуот котиби Марцел Зобачов бу ҳақда журналистларга билдирар экан, бундай тартибдаги олийгоҳ НАТО блокига аъзо ҳар бир давлатда мавжудлигини эътироф этди.

Академиянинг ташкил қилиниши Чехиянинг яқин орада ушбу блокка аъзоликка қўшилажаги ва 2005 йилгача тўла профессионал армияни вужудга келтириши билан боғлиқдир.

Шунингдек, академил ҳузуридаги офицерларнинг, рота ва қисм командирларининг жанговар тайёргарликларини оширувчи махсус курслар ҳам очилган. Марцел Зобачовнинг сўзига қараганда, таълимнинг дастлабки босқичида китик офицерлар ушбу тайёргарликлардан ўтишиб, НАТО қабул қилган низом ва дастурлар билан яқиндан танишишади.

ҲАМКОРЛИК БИТИМИ

Бельгия ва Франция давлатлари ҳарбий денгиз кучлари борасида икки томонлама ҳамкорлик битимини имзоладилар. Брюсселда мудофаа вазирлари Жан Поль Понселе ва Шарль Мийон томонидан имзоланган ушбу ҳужжат ҳамкорликда ҳарбий ўқув машқлари ўтказишга, ҳарбий денгиз кучлари бўйича малакали кадрлар тайёрлашга ва ҳарбий денгиз кучларининг моддий-техник базасини яратишга асос бўлади.

Бельгия мудофаа вазири Ж. П. Понселенинг таъкидлашича, ушбу битим ҳарбий флотни бирлаштириш бўйича Бельгия ва Нидерландия давлатлари имзолаган шартноманинг мантиқий давомчисидир.

Франциянинг мудофаа вазири Ш. Мийон ҳам ушбу битимдан қониқиш ҳосил қилганлигини айтиб ўтди.

ТИНЧЛИК ПОСБОНЛАРИ

БМТнинг дунёда тинчликни муҳофаза қилишга қаратилган дастурини беҳавф амалга ошади деб ўйлаб бўлмайди.

БМТнинг бош секретари, германиялик генерал-лейтенант Манфред Айзелнинг айтишича, «Мовий каска» операциясини бажариш давомида 1,4 минг киши ҳалок бўлди.

Ўлим билан боғлиқ энг кўп қайдлар канадалик тинчлик посбонларига тўғри келса, ундан кейинги ўринларни Ҳиндистон, Франция ва Англия эгаллайди.

Бугунги кунда Халқаро Ҳамжамиятнинг мовий каскаларини кийиб, унинг рамзини тақиб юрган 30 минг нафар солдат тинчликни барқарорлаштириш мақсадида фаолият кўрсатишяпти.

Генералнинг таъкидлашича, БМТ қўшиналарини урушнинг оловли нуқталарига жўнатиш учун аввало томонларнинг ўзаро келишуви бўлиши керак.

САҲРОДАГИ ФОЖЕА

Мексика пойтахтида ҳарбий трибунал Лагун-Салад саҳросида 14 нафар солдатнинг умрига зомин бўлган 2 офицернинг устидан жиноий иш қўзғади. Иккинчи ҳарбий округ генерали қўмондон Эулалио Фонсеканинг журналистларга маълум қилишича, айбланувчилар — капитан ва кичик лейтенант, жиноятқорона равишда ўзларига биринтирилган взводни тарк этишган. Ушбу взвод чўл шароитида ўқув — чиниқиш курсини ўтаётган эди. Офицерларнинг ўзбошимчалик билан взводни тарк этиши жуда ҳам қимматга тушди. Иссиқдан силласи қуриган 14 нафар солдат ҳаётдан кўз юмди ва яна бир қанчаси госпиталга ётқизилди.

Айбланувчи офицерлар ўзларини оқлашга ҳатто бирон баҳона ҳам топишолмаяпти. Айтишларича, бу икки бўйдоқ офицер яқин посёлкалардан биронта зиёфатга ташриф буюришган экан. Хуллас, улар бу «эркаликлари» учун қонун олдида жавоб беришади.

(Матбуот хабарлари асосида).

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

Радист в поле

Не случайно разведку называют глазами и ушами армии. Без точных разведданных не предпринимается ни одна сколько-нибудь серьезная боевая операция. А для самих разведчиков одними из главных действующих фигур являются радисты. Ведь именно с их помощью поддерживается связь с командованием, передается ценная информация, получаются приказы.

Примером отличного знания дела и высокой воинской дисциплины является для подчиненных командир отделения радистов младший сержант Кадыр Хамраев. Уроженец Наманганской области за короткое время освоил воинскую специальность, завоевал авторитет среди сослуживцев.

Чтобы с честью начать учебный год и достойно встретить 5-ю годовщину Вооруженных Сил, напряженно трудится с прибывшими недавно новобранцами К. Хамраев. На занятиях в классе, спортгородке, на полевых выходах, младший командир своим примером ведет за собой товарищей.

С первых же дней нового периода обучения радисты взялись основательно за изучение устройства полевых радиостанций, закрепляя полученные знания и навыки на практике. На днях они работали в поле и действовали неплохо.

На этом снимке запечатлен один из моментов зимней боевой учебы — находящийся в укрытии младший сержант К. Хамраев передает необходимые сведения. А это значит, что благодаря стараниям передового радиста учебно-боевая задача будет выполнена подразделением наилучшим образом.

Капитан **А. АЙНАТДИНОВ.**
Фото **А. ЭШБАЕВА.**

МАНЁВР МНОГО ЗНАЧИТ

Воинам-новобранцам, только минувшей осенью призванным в ряды Вооруженных Сил и определенным в состав учебной танковой роты, где командиром старший лейтенант Фахриддин Алимов, не терпелось выехать в поле. Юношей можно было понять: кто из нас в этом возрасте не мечтает об управлении грозной боевой машиной...

Команда «Рота, подъем!», прозвучавшая среди ночи, не застала рядового Альберта Фатихова врасплох. Это в первые дни зимнего периода обучения ташкентский парнишка поначалу не мог сразу проснуться и выполнять команды. Теперь же все по-другому. Натренированными движениями он сделал все ловко и быстро.

Пока получили оружие и противогазы, вывели технику и прибыли на тактическое поле, понемногу рассвело. Кстати, при выдвижении на указанные рубежи и развертывании из походного порядка в боевой экипажи танкистов действовали успешно — все уложились в отведенные временные нормативы.

Очередной вопрос тактико-строевого занятия «Совершение маневра в ходе боя». Перед его началом заместитель командира взвода сержант Хамдам Сабиров разъяснил воинам особенности выполнения предстоящей задачи:

— В современном бою маневр является одной из главных составных выживаемости танка. Ведь если экипаж метко стреляет, но плохо маневрирует, то рано или поздно машина превратится в мишень. А вот умелый маневр даже при не очень точной стрельбе позволяет танкистам сохранить и жизнь, и технику.

Вот и Альберту Фатихову, действовавшему сегодня в роли механика-водителя, пришлось изрядно потрудиться за рычагами. Однако парень словно не чувствовал усталости — мысль о том, что от его умения в реальном бою будут зависеть судьбы товарищей, придавала сил и вдохновения.

Пока будущие командиры танков осваивают водительское мастерство, затем возьмутся за обучение стрельбе из вооружения, а на завершающем этапе получат знания по управлению экипажем в целом. Но сам принцип ответственности за общий успех закладывается в них уже сейчас, с первых недель боевой работы. И такие сегодняшние новобранцы, как рядовые Альберт Фатихов, Бабамурад Каюмов, Файзиали Абдурахмонов, на всю жизнь запомнят этот урок о значении маневра в бою.

Капитан А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ТЕМА № 4

„Развитие государственности народов Центральной Азии (XV–XIX вв.)“

Учебные вопросы:

1. Особенности государственного объединения народов Центральной Азии.

2. Культура и искусство народов Центральной Азии (XV — XIX вв.).

Раскрывая **первый вопрос**, необходимо подчеркнуть, что становление государственности народов Центральной Азии в XV—XIX веках происходило в непростых условиях. Междоусобные войны сменялись ожесточенными набегами, с неимоверной жестокостью уничтожалось и эксплуатировалось население покоренных территорий, разрушались города и крепости, храмы и дворцы, древние памятники культуры, создавались и распадались государства.

После смерти Темура пять лет длилась междоусобная борьба за власть между его потомками. Она завершилась победой сына Темура — Шахруха (1409—1447 гг.), который своей столицей избрал Герат. Хотя Шахрух считался главой единой Темуровской державы, фактически она состояла из двух государств: одного — с центром в Герате, столице Хорасана, другого — с центром в Самарканде, столице государства Темура.

В Самарканде правителем стал сын Шахруха—внук Темура Мухаммед Тарагай, еще в юности прозванный Улугбеком, что значит «великий хан».

Сорок лет (1409—1449 гг.) правил страной Улугбек. Во время его правления Мавераннахр, особенно столица, пережил большой культурный расцвет. При дворе Улугбека создавались условия для развития математики, истории, литературы. Много строили.

Улугбек стремился удержать свою власть над Мавераннахром. Войны, которые он вел, носили в основном оборонительный характер. После смерти Шахруха (1447 г.) Улугбеку пришлось взяться за оружие, чтобы отстоять свои права законного наследника.

Говоря об Улугбеке, нельзя не сказать о нем как о великом ученом, особенно в области астрономии.

Он создал в Самарканде обсерваторию для изучения звездного неба (округлое здание диаметром более 46 метров и более 30 метров высотой). В нем находился секстант — громадный инструмент для наблюдения за Солнцем, Луной и планетами.

Многолетние наблюдения позволили ему создать астрономический каталог «Зидж-и-Гургани», известный под названием «Звездные таблицы Улугбека». Научные достижения астрономической школы Улугбека оказали огромное влияние на развитие науки народов Запада и Востока, в том числе на развитие науки в Индии и Китае.

Однако высшее руководство, окружавшее Улугбека, не одобряло научной деятельности правителя, считая, что он недостаточное внимание уделяет управлению страной. 27 октября 1449 года близ Самарканда Улугбек был убит. Начались междоусобные распри.

Государственное объединение узбеков, получившее впоследствии название государства кочевых узбеков, произошло в конце XV века и связано с именем Абдулхайра Шейбани, который объединил племена кочевых узбеков, населявших пространство между предгорьями Урала, низовьем Сырдарьи и бассейном Аральского моря. В 1499 году он занял Бухару, в 1500 году — Самарканд и Фергану, в 1505 году — Хорезм, в мае 1507 года — Герат.

В 1510 году у Мевра войска Шейбани-хана были разбиты, а сам он убит. Но его потомки еще в течение 100 лет правили в Центральной Азии. За этот период сюда переселилась значительная часть кочевых узбеков. Здесь они перешли к оседлой жизни, переняли привычки и культуру местных племен. Они стали еще одним племенем, вошедшим в состав узбекского народа.

Держава Шейбанидов была разбита на отдельные области (вилайеты), которые возглавили сыновья Шейбани-хана и главы кочевых племен — баи. Создание удельной системы управления оказалось ошибочным, т. к. между султанами, баями и ханами разгорелась междоусобная война, которая очень ослабила молодое узбекское государство, расколов его на ряд мелких.

И только при Абдулла-хане (1557—1598 гг.) была предпринята еще одна попытка создать единое государство. При нем Бухара становится экономическим и культурным центром. Абдулла-хан предпринимает ряд военных походов на Самарканд, Ташкент, Фергану, Карши, Мевр, Гиссар. К концу его правления вновь весь Мавераннахр оказался под властью единого правителя.

В 1598 году происходит смена власти на территории Мавераннахра.

На смену династии Шейбанидов приходит вторая узбекская династия — Аштарханская, т. е. Астраханская, правившая более полутора столетий. Период правления этой династии характеризуется обострением феодальных междоусобиц. Помешать этому процессу не могли ни перестройка правительственного аппарата, ни реорганизация армии, ни ужесточение законов.

Распри достигли таких размеров, что казалось, по словам историка, будто «вся территория предается разрушению и разграблению»; население покидало свои места.

При последнем правителе династии Аштарханидов — Абдулфайз-хане (1711 — 1747 гг.)—центральная власть окончательно теряет свое значение, а ханство распадается на отдельные области. К концу XVIII века происходит укрепление трех центральноазиатских ханств — Бухарского, Хивинского и Кокандского.

Центром Бухарского ханства (эмирата) являлась долина реки Зарафшан с главными городами Самаркандом и Бухарой — столицей ханства. Бухарское ханство представляло собой феодальную монархию во главе с эмиром.

Большую роль в ханстве играло мусульманское духовенство. В его руках находилась судебная власть. Население Бухарского ханства состояло из оседлых и кочевых жителей. В основном это были потомки многочисленных узбекских племен и таджики.

Хивинское ханство со 2-й половины XVIII века располагалось на территории нынешней Хорезмской области, Каракалпакии и северных районов Туркмении, основную часть населения которой составляли различные племена узбеков, потомков древнейшего хорезмского населения. Бесконечные междоусобные войны привели во второй половине XVIII века к кризису ханской власти, которая перешла в руки Кунградской династии, просуществовавшей до 1820 года.

В 1720 году в Ферганской долине образовалось Кокандское ханство со столицей в Коканде. В конце XVIII — начале XIX веков кокандские ханы значительно расширили свои владения за счет присоединения к себе Ташкента, Туркестана, Ура-Тюбе, Ходжента и прилегавших к ним районов.

На захваченных территориях были построены крепости и города: Андижан, Наманган, Маргилан и др. Население Кокандского ханства было разнообразным по национальному составу, но в основном это были узбеки, таджики, киргизы и казахи. В течение всего периода существования центральноазиатских ханств на их территории происходили непрекращающиеся междоусобные войны, они сопровождались варварскими опустошениями, грабежами, сильно подрывая хозяйственную и культурную жизнь. Невыносимый гнет вынуждал население поднимать восстания против эксплуататоров.

Руководителю занятия надо рассказать о восстаниях в Ташкенте (1612—1613 гг.), в Бухаре — 1709 г., Самарканде — 1714, 1720 гг. Восстания ослабляли ханства и явились одной из причин их упадка и закабаления народа.

Однако, несмотря ни на что, в XV—XVIII вв. в Центральной Азии шел процесс формирования государственности народов, проживающих на ее территории.

Приступая к раскрытию **второго вопроса**, необходимо обратить внимание слушателей на пятый раздел книги Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса» — «Духовно-нравственные устои развития независимого Узбекистана», в частности, на его слова о том, что «память нашего народа богата именами: Беруни, Аль-Хорезми, Ибн Сина, Имам Бухари, Ат-Термези, Ахмад Яссави, Улугбек, Навои и многие другие творцы, известные всему миру, — люди огромной духовности и трудной судьбы. Они отдали себя народу, которому нужны истины. Великие имена гениальных предков, память народа и его судьба требуют достойного продолжения».

Кто эти люди, чьи имена золотыми буквами вписаны в историю, кто является источником нашей гордости, чье дело должно быть продолжено? На это руководитель группы отвечает при рассмотрении данного вопроса.

В Герате жил и писал свои прекрасные стихи гениальный узбекский поэт Алишер Навои (1441—1501 гг.). Он является автором около 30 сборников стихов, поэм и научных трактатов.

Всемирную известность приобрела «Хамса» из пяти поэм: «Смятение праведных», «Лейли и Меджнун», «Фархад и Ширин», «Семь планет», «Стена Искандера». Владея в совершенстве персидским и арабским языками, он широко пользовался своим родным староузбекским языком.

Он блистательно доказал, что богатство, тонкость, изящество узбекского языка позволяют выражать на нем любые мысли.

«Писал я вдохновенно день за днем на милом сердцу языке родном», — сообщает Навои, завершая поэму «Фархад и Ширин». Особое значение Навои придавал знанию истории и призывал людей к ее изучению.

Одновременно с Навои в Герате творил выдающийся поэт Абдурахман Джами (1414—1492 гг.). За 78 лет своей жизни он написал около 100 произведений, но в истории он остался как автор большого цикла поэм «Семь престолов» («Хафт авранг») — так на Востоке именовали созвездие Большой Медведицы. Это название говорит о высоком месте поэм на небосводе поэзии.

Одним из крупнейших представителей узбекской литературы XVI века был поэт Захириддин Мухаммад Бабур (1483—1530 гг.). Среди его произведений особое место занимает «Бабур-наме» («Книга Бабура»), которая стала образцом узбекской классической прозы. Большое место в его творчестве занимали мотивы любви, часто оно было проникнуто тоской по Родине.

«Нет родины и счастья боле нет.

И ничего уж, кроме боли, нет».

Следует подчеркнуть, что Бабур являлся видным государственным деятелем и полководцем, основателем империи Великих моголов, созданной им после завоевания Индии, в 1526 г., и просуществовавшей до XIX века.

В рассматриваемый период широкое развитие получила медицинская наука. Выходят в свет в 1541 году медико - фармакологический трактат Мухаммеда Самарканди, затем «Руководство по лечению» Хорасани, дошедшее до наших дней.

Продолжает развиваться наука. На узбекский язык переводятся произведения Рашиддина и Шарафутдина Али, Язди, создается и трактат о способах счета. В 1593 году Амин Ахмад Рази составил географическо-биологический словарь «Хафт иклим» («Семь климатов»).

В Самарканде и в Бухаре процветало искусство миниатюрной живописи. Образцом его может служить великолепная «Книга побед» («Зафар-наме») о Темуре, написанная в Самарканде в 1621 году.

Большое внимание уделялось строительству. К этому времени относится возведение зданий площади Самарканда — Регистан, строительство медресе Шейбани-хана, соборной мечети Мачити-Колон, медресе Мири-Араб и многих других.

Некоторое развитие в эти годы получила музыка. До нас дошли имена таких музыкантов, как Мавлоно Махаммадин Муганни, Ризо Самарканди и других.

Раскрывая далее вопрос, руководитель занятия называет представителей поэзии, культуры и искусства того времени, которые жили и творили в городе, районе, где дислоцируется подразделение.

Большое влияние на становление государственности у народов Центральной Азии, на их культуру оказал легендарный, широко известный в мире Великий шелковый путь. Его протяженность составляла около 12 тыс. км. Он связывал Дальний Восток, Японию, Китай с Передней Азией и проходил через области Центральной Азии.

Начинался Великий шелковый путь в портах Ассирии и через города Тир, Дамаск, Анатолию, Багдад шел на восток через Парфию и центральноазиатский город Мевр. Здесь он разделялся на два пути — северный и южный.

Северный проходил через Карши, Бухару, Самарканд, Ташкент, Ферганскую долину и соединялся с южными территориями Китая.

Южный путь пересекал горные хребты Памира, шел в Индию, Китай и на Ближний Восток.

По Шелковому пути шли караваны с китайским шелком, хлопчатобумажными тканями и семенами хлопка.

По торговому пути шел активный культурный обмен, происходило взаимопроникновение культур и обычаев народов. В то же время по этому пути пришли в Центральную Азию Александр Македонский, Чингисхан и другие завоеватели.

В целях лучшего усвоения темы руководитель занятия должен подобрать необходимую литературу для самостоятельного чтения, организовать книжно-иллюстративную выставку, пользоваться на занятии картой Узбекистана.

ЛИТЕРАТУРА:

Каримов И. А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Т., 1995 г.

Каримов И. А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. Т., 1992 г.

Каримов И. А. Речь на праздничных торжествах, посвященных 600-летию Мирзо Улугбека. 19 октября 1994 г.

Якубов А. Сокровища Улугбека. Т., 1972 г.

Кары-Ниязов Т. Н. О культурном наследии узбекского народа. Т., 1960 г.

Ахмедов Б. А. Государство кочевых узбеков. М., 1965 г.

История народов Узбекистана. Т., 1992 г.

В странах Содружества

БАКУ. В Посольстве России в Азербайджане по меньшей мере удивлены состоявшейся несколько дней назад встрече президента Азербайджанской международной операционной компании (АМОК) Терри Адамса с полномочным представителем правительства Чечни Эдуардом Хочукаевым, на которой, по сообщениям ряда СМИ, обсуждались вопросы транспортировки нефти из Баку в Новороссийск через Грозный и оплаты за ее перекачку через территорию этой северокавказской республики РФ. Такое заявление сделал в Баку посол России в Азербайджане Александр Блохин.

* * *

Президент Азербайджана Гейдар Алиев помиловал осужденных за контрабанду и распространение наркотиков 11 иранских граждан. Об этом журналистам сообщил Временный Поверенный в делах Ирана в Азербайджане Афшар Сулеймани. Иран — один из основных пунктов, откуда в Азербайджан поступают наркотики. В настоящее время в республике отбывают наказание за подобные преступления 70 иранцев.

МОСКВА. Защитить национальных товаропроизводителей, повысить конкурентоспособность их продукции позволит Общий аграрный рынок (ОАР), к созданию которого активно готовятся страны СНГ. Как сообщил начальник департамента Межгосударственного экономического комитета, МЭК рассмотрит проект соглашения об Общем аграрном рынке, предусматривающий создание системы свободного движения сельскохозяйственной продукции в странах СНГ.

* * *

Тема территориальной целостности и невмешательства во внутренние дела других государств затрагивалась во время беседы председателя Совета федерации РФ Егора Строева с заместителем премьер-министра — министром иностранных дел Турецкой республики Тансу Чиллер. Сообщив об этом журналистам после встречи, Е. Строев подчеркнул, что при обсуждении ситуации в «болевой точке» — Чечне» сторонами было высказано понимание «нежелательности, чтобы кто-то вмешивался в начавшийся процесс мирного урегулирования».

* * *

Дальнейшие процессы интеграции пограничных служб государств СНГ ускорят их сближение по другим аспектам взаимоотношений, считает директор Федеральной пограничной службы России Андрей Николаев. Темпы такой интеграции достаточно высоки. На заседании совета командующих пограничными войсками стран СНГ в Москве подписано 20 документов, определяющих состояние и перспективы пограничного сотрудничества.

* * *

Ряд российско-нидерландских межправительственных документов подписан по итогам переговоров между Виктором Черномырдиным и премьер-министром Нидерландов Вим Коком. Среди них — соглашение об избежании двойного налогообложения и предотвращении уклонения от уплаты налогов на имущество. Подписано также письмо о намерениях в связи с конвенцией о запрещении производства химического оружия и его уничтожения.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ. Единая телекоммуникационная сеть уже в 1997 году свяжет бывшие советские республики. Таким образом, будет ликвидирован информационный вакуум, возникший после распада СССР. Об этом было заявлено на конференции технических руководителей телерадиокомпаний стран СНГ и Прибалтики, проходившей в Санкт-Петербурге.

Для создания сети, по словам директора специальных проектов ВГТРК Станислава Буневича, планируется использовать опыт ИТАР—ТАСС и мировой системы Интернет.

ТБИЛИСИ. Об отсутствии в Грузии антирусских настроений заявил президент страны Эдуард Шеварднадзе. В традиционном радиообращении к нации грузинский лидер признал, что некоторые силы в республике не одобряют политику России на Кавказе, в частности, по абхазскому вопросу, но, по его словам, критика курса российского руководства «вовсе не означает антирусских настроений».

По материалам ИА «Жахон», «Интернет».

ХИРА ЮЛДУЗЛАРНИНГ ЁРУҒ ЖИЛВАСИ

Жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби Ўзбекистон Фанлар академияси астрономия институтида ҳам хорижий давлатлар билан халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилмоқда. Бу эса ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади.

Ҳозир жаҳон илғор астрономиясида самони кузатиш зарядли алоқани қабул қилувчи мосламалар (ПЗС матрица) ёрдамида амалга оширилаётган, яъни келаётган ёруғликни сигналга айлантириш қобилияти беш фоиз эди. Бу кўрсаткич ПЗС матрицаларникида 60 фоизгача етади. Улуғбек номидаги астрономия институти ҳам ана шу замонавий мослама ёрдамида ишлашга ўтмоқда. Бу борада хорижлик олимлар ва илмий муассасалар билан илмий ҳамкорлик қўл келаяпти. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, институтда қуёшни ўрганиш ишлари яқин ўн йилдан бери олиб борилмоқда. Бу соҳада Франция олимлари билан ИРИС (қуёшнинг ички тузилишини ўрганиш бўйича халқаро тадқиқот) лойиҳаси доирасида илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Чимёндаги қуёшнинг ички тузилишини, таркибидаги химиявий жараёнларни кузатувчи телескоп ҳам ана шу ҳамкорлик самараси бўлиб, у дунёдаги олтита қуёш телескопининг биридир. Телескоп орқали кузатишлар ўзининг илк натижаларини берди. Қуёш ядросидаги айланиш тезлигининг юзасидагига нисбатан 1,4 баробар катта эканлиги аниқланди. Баҳоланки, дунё астрономиясида бу нисбат камида 10 баробар деган тахминлар бор эди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1996 йил 20 декабрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 34,47 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 55 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 21 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

1 Англия фунт стерлинги	91,59
10 Бельгия франки	17,14
1 Дания кронаси	9,23
1 БАА дирхами	14,97
1 АҚШ доллари	55,00
10 Испания песети	4,19
100 Италия лираси	3,59
1 Хитой юани	6,63
1 Германия маркаси	35,31
10 Португалия эскудоси	3,50
1 Сингапур доллари	39,30
1000 Туркия лираси	0,52
1 Франция франки	10,46
1 Швеция кронаси	8,01
1 Швейцария франки	41,15
1 ЭКЮ	67,89
10 Япония иенаси	4,82
1000 Россия рубли	9,92
1 Украина гривнаси	29,18
1000 Беларусь рубли	3,55
1 Эстония кронаси	4,42
1 Латвия лати	99,10
1 Литва лити	13,75
1 Қозоғистон тенгеси	0,76
1 Қирғизистон соми	3,23

***) Валюта кийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

● ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

Тиббий хизмат майори Обод ҲАМДАМОВ:

«ОЛДИНИ ОЛГАН МИНГ КАРРА АФЗАЛ»

Обод Адҳамович Ҳамдамов Марказий ҳарбий госпиталь гастроэнтерология бўлимининг бошлиғи. Бу лавозимга тайинлангунига қадар қисм врачи, тиббий пункт бошлиғи, қисм тиббиёт хизмати бошлиғи, Фарғона ҳарбий госпитали даволаш бўлими бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган.

Тиббий хизмат майори билан суҳбатимиз асосан ўз соҳаси, яъни меъда-ичак касалликлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш йўллари ва даволаш усуллари хусусида бўлди.

— Авваламбор айтиш лозимки, — деди Обод Адҳамович, — ҳар қандай касалликни, жумладан меъда-ичак касалликларини ҳам даволагандан кўра олдини олган минг карра афзал. Негаки, даволаш жараёнида, биринчидан, бемор анча машаққату қийинчиликларни бошдан кечиради, маълум муддат ҳолсизланиб, меҳнат (хизмат)га лаёқатини йўқотади. Иккинчидан, ҳар бир бемор муолажаси учун қанчадан-қанча сарф-ҳаражат-у, шифокор заҳмати талаб этилади. Ўзўзидан аён бўлаяпти-ки, имкон даражада бетоб бўлмасликка ҳаракат қилиш керак (айниқса, ҳозирги иқтисодий оғир шароитда).

Бироқ, иссиқ жон иситмасиз бўлмас, деганларидек, меъда-ичак касалликлари, айниқса бизнинг иссиқ иқлимли минтақамизда кенг тарқалган хасталиклар сирасига киради. Улар барча ёшдаги кишиларда учраб туради.

— Ўртоқ майор, меъда-ичак касалликлари ичида энг кўп учрайдиганч қай бир хасталик ҳисобланади ва унинг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

— Меъда-ичак касалликлари ичида ошқозон ҳамда ўн икки бармоқ ичак яраси, гастрит деб аталадиган ошқозон шиллиқ пардасининг ўткир ва сурункали яллиғланиши кўпроқ учрайди. Кейинги пайтларда жигар циррози ва сурункали гепатит касалликларига ҳам тез-тез дуч келинмоқда.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси энг кўп тарқалган касалликлардан бўлиб, аҳолининг 1,5 фоизини ташкил этади. Маълумотларга кўра, ҳар 1000 кишининг 3—7 тадан 18 тасигача шу касалликлар билан оғрийди.

Бу касалликларнинг келиб чиқишига жуда кўп факторлар сабабчи бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур касалликларнинг пайдо бўлиши тўғрисида 150 дан ортиқ назария мавжуд. Шу туфайли ҳам ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси 100 йилдан ортиқ вақтдан бери ўрганилишига қарамасдан, уларнинг келиб чиқиш сабаблари хусусидаги муаммо бугунги кунгача тўлиқ ҳал қилинмаган.

Ҳозирги замонавий назария бўйича бу касалликларнинг келиб чиқишига асосан 3 фактор: нерв системаси, гормонлар ва маҳаллий факторлар сабабчи бўлади. Стресс ҳолати организмда нерв системаси ва эндокрин безлари фаолиятининг бузилишига, улар эса ўз навбатида ошқозон ширасидаги кислотанинг кўпайишига ҳамда шиллиқ парданинг емирилишига олиб келиб, яра ҳосил қилади. Чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, овқатланиш режимини бузиш, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси келиб чиқишида қўшимча факторлар ҳисобланади.

Яна шуни айтиб ўтиш зарурки, шамоллашга қарши дорилар (аспирин, ибупрофен, вольтарен) ва гормонларни билиб-билмай узоқ вақт мобайнида қўлланилиши натижасида келиб чиқадиган яралар ҳам мавжуд. Лекин булар юқоридаги дорилардан фойдаланишни тўхтатиб, тегишли даволаш ўтказилгандан сўнг битиб кетади.

Ишемия, гипертония, сурункали гепатит, жигар циррози, панкреатит ҳамда марказий нерв системасининг жароҳатланишида симптоматик ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда дастлаб асосий касалликни даволаш лозим.

Шу ўринда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг яраси ҳақида гапирадиган бўлсак, улар сурункали хасталик бўлиб, давом этиши ҳамда асоратлари бўйича анча ташвишли ва оғир ҳисобланади. Бу касалликлар билан оғриган беморда овқатланишдан кейин ёки очиққан пайти оғриқ бўлиши, кўнгил айнаши, қайт қилиш ва шу каби бошқа ўзгаришлар кузатилади. Касаллик баҳор ва куз ойларида хуруж қилиб туради.

Меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги хавфли асоратлари — ярадан қон кетиши, яранинг тешилиши ва яра чандиқлари туфайли ошқозондан ичакка овқат ўтишининг қийинлашиши булиб, бундай ҳолатларда жарроҳлик тадбирлари қўлланилади.

— Энди, ушбу касалликларни даволаш усуллари, давомийлиги ва самараси ҳусусида тўхталсангиз?

— Ҳозирги кунда Марказий ҳарбий госпиталимизда меъда ва ичак касалликларини даволаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак ярасининг келиб чиқиш сабабларини эътиборга олган ҳолда қўлланилаётган даволаш усуллари асосида яранинг битиши ўртача 21—22 кунга тўғри келади.

Даволашда парҳез, холинолитиклар, спазмолитиклар (но-шпа, реглан), гистамин миқдорини камайтирувчилар (циметидин, гастроцепин), ошқозон ширасидаги кислотани нейтралловчи дорилар ва адсарбентлар (алмагель, фосфолюгель, денол), репарантлар (солкосерил, гастроформ, трихопол), витаминлар, физиотерапия усуллари (магнит, озокерит), барокамера ва шу кабиларнинг қўлланилиши яхши самаралар бермоқда.

— Обод Адҳамович, қай бир вилоятдан чақирилган солдатлар орасида ошқозон-ичак касалликлари кўпроқ учрайди?

— Юқорида таъкидлаганимиздек, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак ярасининг келиб чиқиш сабаблари ниҳоятда кўп. Шунинг учун ҳам у ёки бу вилоятдан хизматга чақирилган йигитлар орасида ушбу касалликлар билан оғриганлар кўпроқ деб айтиш қийин.

— Ҳарбий либос кийганига кўп вақт ўтмасданоқ, ошқозон ёки ўн икки бармоқ ичак яраси туфайли госпиталга жунатилган ёш солдатлар ҳам учраб турадими?

— Ҳарбий хизматга чақирув мавсуми бошланиши билан бўлимимизга ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси туфайли келаётган бемор солдатларнинг сони бир оз кўпаяди. Бунинг сабабини қуйидагича тушунтириш мумкин:

1. Касалликнинг тинч ўтиш даврида муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар ҳеч нарсага шикоят қилмайдилар ва Қуролли Кучлар сафига чақириладилар.

2. Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг шикоятлари, тиббий ҳужжатлари жойларда яхши ўрганилмайди.

3. Чақирилувчилар ўз касалликларини яширадилар.

— Сиз тилга олган нуқсонларнинг олдини олиш учун асосий эътиборни нималарга қаратиш лозим, деб биласиз?

— Менимча, юқорида келтирилган сабабларни бартараф қилиш учун ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг шикоятини, армияга чақирилишидан олдиги тиббий ҳужжатларини ва ҳар бир чақирилувчини шошилмасдан синчиклаб текшириш лозим. Шундагина касаллик билан армияга чақирилувчиларнинг сони кескин камаяди ва даволаш учун қилинаётган сарф-харажатлар тежалади.

— Ўртоқ майор, яхши биласиз, яқинда, яъни 14 январь куни барча ҳарбийлар, ва умуман бутун Ўзбекистон халқи Қуролли Кучларимиз 5 йиллигини ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонланди. Шу муносабат билан она-Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишаётган қуролли ҳимоячиларга тилакларингиз.

— Истардимки, она-Ватанимизнинг барча посбонлари ўзларининг аъло хизматлари, намунали интизомлари, ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари билан Мустақил Республикамиз Қуролли Кучлари 5 йиллигини муносиб кутиб олишсин. Уларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва бахт-саодат тилайман.

— Сермазмун суҳбатингиз учун раҳмат. Инсонлар дардига малҳамлик қилишдек шарафли ҳамда эзгу хизматларни бажараётган барча шифокорлар омон бўлишсин!

Майор Х. ЖУМАНАЗАРОВ суҳбатлашди.

Суратда: **тиббий хизмат майори О. Ҳамдамов.**

Суратчи **А. ЭШБОЕВ.**

● ПРАКТИКА КУЛЬТУРНО-ДОСУГОВОЙ РАБОТЫ

ПАЛИТРА РОДНОГО КРАЯ

В Центральном музее Вооруженных Сил Республики Узбекистан открылась выставка «Край, в котором мы служим», посвященная 5-й годовщине Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Это уже четвертая выставка работ художников республики, которую музей проводит совместно с Союзом художников Узбекистана и центром международных связей «Хамар». На картинах, представленных в выставочном зале музея, запечатлен поэтический образ родного края, в котором проходят службу воины-узбекистанцы. С большой эмоциональной силой запечатлены красота природы Узбекистана, неповторимость его архитектуры и место человека на земле, преображенной его руками. Ощущение жизнерадостности и любви к родному краю вызывают у посетителей выставки работы, представленные в музее.

Часть их относится к произведениям исторического жанра. Тема многих трудов связана с именем великого Сахибкирана и его эпохой. На картине художника Э. Машарипова —победа Амира Темура над Тохтамышем («Победа над Тохтамышем»). Это победа над Золотой Ордой, которая после этого уже не смогла обрести былую славу всемогущей державы. Художнику с большим мастерством удалось передать черты полководческого характера Амира Темура, его волю к победе над врагом.

Известна любовь Амира Темура к своей родине — Шахрисабзу. Этот город стал священным местом не только потому, что здесь покоится прах предков Амира Темура, но и его учителей и наставников, детей. Авторы выставки неоднократно обращаются в своем творчестве к этому удивительному по красоте городу. На картинах художника А. Хакназарова Шахрисабз запечатлен как один из древних очагов мировой культуры, один из прекрасных уголков Узбекистана. На одной из его работ мы видим усыпальницу старшего сына Амира Темура — Джахангира Мирзо. Представленные работы отражают настроение, мироощущение, философию целой эпохи, включающей в себя несколько столетий, связанных единым духом.

Много выставленных работ посвящено архитектурным шедеврам Самарканда. Его голубые купола, устремленные в небо минареты, их неповторимые краски, узоры не перестают восхищать людей со всего мира и по сей день.

Среди авторов выставки — один из старейших художников республики П. Мордвинцев. Здесь представлены три его работы: «Гур-Эмир», «Полдень в Чимгане», натюрморт «Гранаты и кувшин». Работы мастера удивительно удачны как по цветовому решению, так и по пластике натюрморта. В каком бы жанре художник ни представал перед зрителями, все его полотна проникнуты особой поэтичностью родного края, любовью к местам, оставившим неизгладимый след в его сердце. Так же тепло об этих картинах отзываются воины Ташкентского гарнизона, посещающие выставку.

Пейзажи родного края на выставке занимают значительное место. В пейзажах художников Х. Усманова «В горах», «Вечер в Шахимардане», З. Иногамова «Путь к Аралу», Ю. Салометова «Вечерний закат» и других, написанных в разные годы, ощущается живая и непосредственная передача натуры. В них присутствует особая индивидуальная выразительность в показе природы нашей республики. Красочная гамма здесь утонченна и разнообразна.

На выставке широко представлена и такая область творчества художников республики, как натюрморт. В этом жанре наиболее полно выражают свое светлое, мажорное мироощущение художники С. Шомиробаев, Д. Юлдашева, Б. Шакиров и другие. Почти на всех натюрмортах — цветы и традиционный узбекский дастархан: они ярки, декоративны по цвету, написаны с большим эмоциональным подъемом.

Значительно дополняют и украшают выставку изделия мастеров декоративно-прикладного искусства Узбекистана: резьба по дереву, чеканка, керамика, ковровые изделия, малые формы скульптуры.

Открывшаяся в канун Дня защитника Родины выставка послужит эстетическому и нравственному воспитанию военнослужащих, формированию чувства национальной гордости, патриотизма, любви к Родине, своему краю, в котором они несут свою воинскую службу. Она даст им новую возможность соприкоснуться с миром прекрасного и удивительного искусства нашей страны. Приглашаем всех на эту выставку.

Капитан С. ОРТИКОВ,
начальник Центрального музея Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

АБДУЛЛА ҚАХҲОР ХИКМАТЛАРИ

Юртни обод қиламан деган киши ўзи обод бўлади.

Юртдан чиқиш тириклай гўрга кириш деган сўз.

Халқнинг қалбига узоқдан қўл солиб бўлмайди, қўл солиш учун унинг олдига бориш керак.

Инсон бамисоли бир машина, машинанинг сарф қилинган қувватини ишга айлантириш қобилияти турличадир. Инсон ҳам шундай. Инсонларнинг ҳам инсониятга фойда етказиш қобилияти турлича. Фан машиналарнинг шу қобилиятини орттиришга, яъни сарф қилинган қувватдан иложи борича кўпроқ фойда чиқаришга урингандай, тарбия ҳам инсоннинг жамиятга фойда етказиш қобилиятини оширишга уринади. Фан ҳали сарф қилинган бутун қувватни исрофсиз фойдали ишга айлантирадиган машина тополгани йўқ, аммо тарбия бутун топди. Ер юзида шундай бир тарбия борки, бу тарбияни кўрган киши куч ва ғайрати самарасиз, ҳудбинлик натижаси бўлган ишларга сарф қилмайди. Бундай тарбияни берадиган мураббий аввал ўзи тарбияланган бўлиши керак.

Кўҳна қалъалар сири

Хоразм воҳасининг қадимий Ҳазорасп қалъаси ёш жиҳатидан қурраи заминиздаги энг кекса осорл атиқалардан бири бўлиб чиқди. Қалъа ҳаробаларини бир неча ой мобайнида синчиклаб ўрганган Ўзбекистон ва Россия Фанлар Академияларининг бир гуруҳ тарихчи олим-тадқиқотчилари ана шундай хулосага келдилар.

Тадқиқот гуруҳи раҳбари ЎзФАсининг Я. Гуломов номидаги тарих-археология институти Хоразм минтақавий бўлими бошлиги Ш. Матрасуловнинг таъкидлашича, қалъа деворлари остини қазиш чоғида 200 дан кўп ғалвирий ашёлар топилган. Улар орасида эрамиздан аввалги VII—VI асрлар ҳаётига хос одам ва ҳайвон ҳайкаллари, кулолчилик буюмлари, қалъа деворлари ва ҳунармандчилик воситаларининг қолдиқлари ҳам бор.

Қазиш-тадқиқот ишлари, шунингдек, қадимий «Чингизтепа» (Ҳазорасп қалъасидан 15 чақирим узоқликдаги Тошсоқа аҳоли пункти яқинида жойлашган. Хоразмшоҳ ва мўғул лашкарлари ўртасидаги тарихий муҳораба айнан шу ерда бўлганлиги исботланган) баландлиги ва унга ёндош Амударё соҳилларида ҳам ўтказилди. Асрлар ўтиши билан одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган кимсасиз маконга айланган бу жойларда бир замонлар ҳаёт қайнаганини ранго-ранг топилмалар яққол тасдиқлади. Каттагина хум ичига маҳорат билан жойланган кўзача тадқиқотчиларда алоҳида қизиқиш уйғотяпти. Гап шундаки, кўзанинг оғзи ҳали очилганича йўқ. Тарихий топилмалар ва ашёларни тадқиқ этиш қондасига кўра у лаборатория шароитидагина ўрганилади.

Хиванинг 2500 йиллик юбилейига тараддуд доирасида уюштирилган мазкур экспедиция фаолиятига, нуқта қўйилганча йўқ. Тарихимиз тилсимотлари сирини очиш соҳасидаги қазиш тадқиқот ишлари қисқа танаффусдан сўнг яна давом эттирилади. Кўринди турибдики, воҳанинг кўҳна қалъалари ўз тилсимотини инсонга тўла очадиган тарихий дақиқалар ҳали олдинда.

А. СОБИРОВ.

Ранг-баранг олам

ИНСОН МИЯСИДАГИ МУЪЖИЗА

1978 йили бўлса керак.

Америка фазо марказида (НАСА) ўн беш мутахассис қиёнотнинг кичрайтирилган бир харитасини чизиб чиқдилар. Бўйи ва эни йигирма метр ўлчовда тайёрланган бу харитани катта хонанинг деворига осиб қўйдилар.

Ўша куни бу ерга меҳмон бўлиб келган бир тиб олими даҳшат ичида бақириб юборди:

— Бўлиши мумкин эмас!..

— Нима бўлиши мумкин эмас?! Тинчликми ўзи? — деб сўрадилар ундан.

— Илтимос, йўқ деманглар, ҳозироқ бир самолётга ўтирамизу бизнинг шаҳардаги университетга борамиз, — деди қаяжонидан ҳовлиқиб.

Шундай қилишди ҳам. Икки юз чақирим узоқликдаги бу шаҳарга етиб, самолётдан тушибоқ тўғри тиб олимининг университетига борилди. Мезбон бошлаган хонага киришлари билан бу сафар само илми профессорларининг кўзлари ҳайратдан чиқаёзди: деворда ойни катталикдаги худди ўша харита осиғлиқ турарди!..

— Қандай бўлиши мумкин? — дедилар ҳайратдан ёқа ушлаб. — Тиббиётчиларнинг коинот билан нима алоқалари бор?!

Тиб олими вазминлик билан, аммо дир-дир титраган ҳолда, ушбу сўзларни айтди:

— Азизлар бу кўриб турганингиз —инсон миясининг катталаштирилган харитасидир!..

ВАҲШИЙЛИКМИ Ё...

Бир урғочи ҳайвон болаларини ютиб юборяпти, десангиз, беихтиёр уни ваҳший деб ўйлайсиз. Ҳолбуки, Австралияда яшайдиган бир хил қурбақа болаларини ваҳшийлиги учун эмас, марҳамати туфайли ютади.

Бу қурбақа тухумдан эндигина чиқаётган болаларини ютиб юборади. Бунинг сабаби — уларнинг омон-осон ўсишини таъминлаш учундир.

Ажабо, она қурбақанинг ошқозонига тушган қурбақачалар ҳазм бўлиб кетмайдими?

Албатта, йўқ.

Чунки бутун коинотда тажалли этиб турадиган Раҳмати Илоҳий бу «гўдак»ларга ҳам тегишлидир.

Янги туғилган ожиз чақалоқларга ўша ондаёқ сут етказиб кексиз марҳамати ва қудратини кўрсатадиган Зот она қурбақа ошқозонига тушган болаларини ҳам ўзига хос усул билан асраб қолади. Улар ҳазм бўлиб кетмасликлари учун ошқозоннинг сингдириш фаолиятини бир зумда тўхтатиб қўяди. Меъдасидаги олдиндан тўлдирилган озуқа моддалари ичакка сурилади ва меъданинг шакли-бичими батамом ўзгариб, болачаларни учун иссиқ ва бехатар бир «бешик» ҳолатига киради.

Очкўзлиги билан ташилган бу қурбақанинг иштаҳаси айни Раҳмат Соҳиби томонидан умуман кесилади ва тухумдан чиқиш даври тугагунга қадар ҳайвон роса икки ой оч қолади.

Тухумдан чиқишнинг илк босқичларида меъда каттариб, ўпкага тиралади ва ўпка фаолиятининг ҳам тўхташига сабаб бўлади. Уркаси «ишдан чиққан» қурбақа энди териси билан нафас ола бошлайди.

Тухумдан чиққан қурбақачалар кенгчалик озуқа қувуридан (йўғон ичакдан) ўтиб, она қурбақанинг оғзидан ерга отилиб, ёруғ дунёга чиқадилар.

Меъда қурбақачаларнинг ҳаммаси чиқиб бўлгандан саккиз кун кейин яна аввалги ҳолига келади ва вазифасини ўтаб бўлган она қурбақа яна еб-ича бошлайди.

Австралиянинг Аделаде дорулфунунида ҳайвоншунос (зоолог) Мишел Ж. Тайлер ва унинг ёрдамчиси Давид Картер томонидан кашф қилинган бу сирли ҳодиса физиология фанининг билимдонларини ҳайратга солди.

Илм одамлари ошқозон ярасига янги бир даво бўлиши мумкин, деб умид қилаётганлари бу ғайритабиий ҳодисанинг қандай содир бўлишини ва меъда фаолиятиқ қандай тўхтаб қолишини ўрганиш билан оворалар. Лекин бу мукаммал ҳодисани қурбақанинг онглиши дейдиган бўлсалар, пировардида ўз меъдаларига қараб бир қурбақачалик бўлолмаганликларини англаб оладилар.

Туркчадан
Абдумурод ХОЛМУРОДОВ
таржимаси.

● УЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Пул ишлатишни биласизми?

Шу ҳам савол бўлди-ю деб ўйларсиз хойнаҳой. Пул бўлади-ку, уни ишлатишни билмайдиган одам бор эканми, деб истеҳзоли кулиб қўярсиз. Қаранг-ки, шундайлар бор, эҳтимол, сиз ўзингиз ҳам пул ишлатишни билмассиз? Зотан, пул ишлатишни биламан, деб ўйловчиларнинг ҳаммаси ҳам аслида шундай бўлиб чиқавермайди-да.

Дўпписи ерга тушиб кетса, бировга пул бериб олдирадиган бойваччалар ҳам бор. Тўғри, бундайлар осон йўл билан пул топади, пул улар учун бамисоли хазон. Аммо шунисси ачинарлики, тер тўкиб пул топадиган кишиларнинг ҳам кўпчилиги расамадини билмайди.

Пул нима ўзи? Яхши, фаровон турмуш кечириш учун восита. Киши бу воситадан қанчалик оқилона фойдалана билса, демак, у ўз меҳнатини шунчалик қадрлай оларкан. Бу эса ўз навбатида турмушни яхшилашга, оила хўжалигини тўғри йўлга қўйишга ёрдам беради.

Муҳтарам газетхон, одам ўзининг тежамкорлиги ёки исрофгарлигини қандай била олади, деб сўрарсиз. Ана шу масалада сизга ёрдам бериш мақсадида ҳазиломуз бир синов матнини диққатингизга ҳавола қиляпмиз. Баъзи саволлар эриш кўриниши мумкин, лекин ҳар қалай, бу синов туфайли сиз ўзингизни, пул ишлатишдаги уқувингиз қай даражадалигини билиб олсангиз ажаб эмас.

1. Ҳамёнингизда қанча пул борлигини ҳамма вақт аниқ билиб юрасизми?

2. Туғилган кун ва байрамларда бировга совға қилиш ва бировдан совға олиш ўз аҳамиятини йўқотди деб ҳисоблайсизми?

3. Эски кийим сотиб олишни ёқтирасизми?

4. Театрда энг арзон билет олиш тўғри деб ўйлайсизми?

5. Ҳар ойда энг камида 50 сўм пулни тежаб қола оласизми?

6. Лотереяда катта миқдордаги пул чиқса, ишни ташлаб кетармидингиз?

7. Фақат қимматбаҳо ва юқори сифатли буюм сотиб олиш тўғрими?

8. Бировга ҳеч бир сабабсиз, сидқидилдан совға бера оласизми?

9. Кредитга буюм олиш нотўғрими?

10. Эртанги кун учун пул жамғармай, бугун яхши яшасак бас, деб ўйлайсизми?

Ҳар бир саволга «Ҳа» деган жавоб учун 10 очко берилади. «Йўқ» деган жавоб учун очко йўқ. 1—5 саволлар учун очколар йиғиндиси (А гуруҳ) сиз тежамкор ёки хасислигингизни кўрсатади. 6—10 саволлар учун очколар йиғиндиси (Б гуруҳ) эса сиз сахий ёки исрофгар эканингиздан дарак беради.

Агар ҳар иккала гуруҳдаги очколар йиғиндиси ўзаро тенг бўлса, демак сиз ҳам тежамкор, ҳам сахий одам экансиз. Мабодо очколар йиғиндиси ҳар хил бўлса, каттасидан кичигини айириш керак. Айтайлик, А гуруҳда 40, Б гуруҳда 20 очко жамғарган бўлсангиз, демак А гурух Б гуруҳдан 20 очкога кўп экан. Ана ундан кейин, марҳамат қилиб, ўзингиз билан танишаверасиз.

А гуруҳ Б гуруҳдан 10—20 очкога кўп бўлса: пулни оқилона сарфлайдиган тежамкор одамсиз, назари паст эмассиз, аммо ўзингизга моддий жиҳатдан таъминланган деб ҳис қилишни ёқтирасиз;

30—40 очкога кўп бўлса: сахиймассиз. Бирон нимага эгалчилигингизнинг ўмйқ сизни жуда қувонтиради. Мабодо кўпроқ пул сарфлашга мажбур бўлиб қолсангиз, астойдил куйиниб кетасиз;

50 очкога кўп бўлса: хасис, қурумсоқ одамсиз. Пул тежашга бўлган интилишингизни қарғайдиган чоғим учун йиғалиман, деган баҳонангиз ҳам оқлаб олмайди.

Б гуруҳ А гуруҳдан 10—20 очкога кўп бўлса: мурувватли, сахий одамсиз. Пулга ҳаддан ортиқ ружу қўймайсиз, лекин уни беҳуда совурмайсиз ҳам;

30—40 очкога кўп бўлса: пулингиз кўп бўлса, уни нимага сарфлашни яхши биласиз. Бирон нарса сотиб олишни жуда-жуда ёқтирасиз. Эртанги камини чекмай, ни бугун яхши яшашни ўйлайсиз;

50 очкога кўп бўлса: пул ишлатишни билмайсиз, уни беҳудага совурасиз.

Синовнинг энг муҳим бир шарти ёдингизда бўлсин: саволларга бошқалар ҳузурида қандай жавоб бериш ўзингизга ҳавола. Аммо ўзингиз ҳақиқизлаги ҳақиқатни билишни истасанг саволларга сидқидилдан жавоб беринг.

Б. ИСРОИЛОВ
тайёрлади.

● МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ШОҲЖАҲОН АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган Тож Маҳални қурдирган Бобурий подшоҳ Шоҳжаҳон мўйқаламига мансуб ягона нусхадаги асарлар 1997 йил январь ойида биринчи марта Нью-Деҳли шаҳридаги миллий музейда намойиш қилинади. Ҳозирги кунда барча асарлар Англиянинг Виндзор қасридаги қироллик кутубхонаси ҳамкорлигида Ҳиндистонда илк марта ташкил қилинади.

Ушбу нафис миниатюраларда унинг ўғлини тўй ва шоҳ ҳаётининг бошқа қирралари ўз аксини топган. Бу ва бошқа асарларни Навиб Ауда сотиб олиб, 1798 йили Англия қироли Георг III га совға тариқасида жўнатган эди.

Кўргазма Британия кенгаши ва Виндзор қасри қироллик кутубхонаси ҳамкорлигида Ҳиндистонда илк марта ташкил қилинади.

ВЫСТАВКА ЯПОНСКИХ ХУДОЖНИКОВ

В Государственном музее искусств Узбекистана открылась выставка работ японских художников. На ней демонстрируется около ста гравюр 46 мастеров, воплотивших в себе вековые национальные традиции этого вида искусства, которые были созданы за после ние сорок лет. По творческому направлению их авторов можно разделить на четыре категории. Это — профессиональные художники, художники-любители, те, кто творит в стиле японского народного искусства XVIII века с использованием достижений науки и техники, и, наконец, те, кто использует приемы фотографии и рельефной офсетной печати.

Глубокое впечатление у посетителей выставки оставляют гравюра на дереве «Завтра будет лучше, чем сегодня» — Фумияки Фукита, литография «Камни на бумаге»— Шончи Ида. **(УзА).**

● МИР УВЛЕЧЕНИЙ

У истоков истории

В квартире студента исторического факультета ТашГУ Павла Кравцова не заметишь особой роскоши — скромная, деловая обстановка. Однако предметы, хранящиеся на полках, возможно, стоят целого клада. Они не из золота — всего лишь из глины: плоскодонные и заостренные книзу кувшинчики с диковинными для современного глаза узкими горлышками, ваза с надписью на арабском, погремушка — глиняный сосуд с глиняным шариком внутри... Но этим крупицам былых эпох -- более 1000 лет.

По словам Павла, археолог в момент находки испытывает чувство, сходное с восторгом кладоискателя. Ведь каждая вещь, выхваченная из прошлого, несет на себе печать своего времени, своей культуры и в этом смысле бесценна. Задача археолога — постараться увидеть находку, которую он держит в руках, глазами человека прошлой эпохи. И хотя никакая найденная реликвия не расскажет о себе всего, оставляя простор для исследовательской фантазии и научных споров, именно этот сохраненный и не вполне доступный смысл предметов, дошедших к нам из древности, побудил Павла обратиться к археологии.

История, считает он, основывается зачастую на письменных источниках, которые всегда более или менее субъективны. Археологические же материалы в большей степени способны свидетельствовать беспристрастно о своем времени.

В последнее время в нашей стране придается серьезное значение сохранению культурного наследия древности. Главное подтверждение тому — принятие в сентябре этого года постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан о создании при общественном центре «Маънавият ва маърифат» Международного благотворительного фонда «Олтин мерос» («Золотое наследие»).

Шаги государства, направленные на формирование трепетного, бережного отношения к древней культуре нашего народа, рождают уверенность в том, что деятельность таких энтузиастов, как Павел Кравцов, не пропадет даром.

В. МУРАТХАНОВ,
корр. «Ватанпарвара».



EMIRATES 96
XITH ASIAN CUP

Омаднинг ўзи келмайди

Осиё кубоги мусобақаларининг якунловчи қисмига ҳам етиб келдик. Муросасиз кечган курашлардан сўнг, ниҳоят финалга икки жамоа йўлланма олди — Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони. Ярим финал баҳсларида мағлубиятга учраган Қувайт ҳамда Эрон терма жамоалари эса учинчи ўрин учун баҳс бойлашмади.

Мағлубиятга учраган кейинги икки жамоанинг ҳеч бўлмаганда биттасини финал ўйинида қатнашишига аксарият мухлисларда ишонч катта эди. Лекин бу сафар ҳам жозибали футбол мўъжизаси мухлислар тахминига панд берди. Дастлабки ярим финал баҳсида **Бирлашган Араб Амирликлари** ва **Қувайт** терма жамоалари куч синашишди. Майдон эгалари иштирокида ўтаётган навбатдаги ўйин худди ўтган галги — Ирок терма жамоасига қарши учрашувга ўхшаш тарзда кечди. Майдоннинг ҳар бир қисмида қувайтлик футболчиларнинг нисбатан устунлиги сезилиб турарди. Лекин бу сафар ҳам омад Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасига кулиб боқди. Хассан Саид Аҳмаднинг 69-дақиқада киритган ягона тўпи майдон эгаларини финалга олиб чиқди.

Иккинчи ярим финал жуфтлигидаги **Эрон — Саудия Арабистони** учрашуви XI Осиё кубоги мусобақаларида энг узоқ давом этган ўйин бўлди. Ушбу баҳсда ҳам мухлислар Эрон терма жамоасининг голиб чиқишига ишонч билдиришган бўлса, ажаб эмас. Чунки биз қитъамиз нуфузли мусобақасининг ҳар бир учрашувини диққат билан кузатиш жараёнида кимнинг қандай имкониятга эга эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Албатта, Эрон футболчилари қатор учрашувларни ҳужумкор руҳда ўтказиб, галабага бўлган ишончни ва мухлислар эътиборини ошириб бораётган эди. Бироқ, ярим финал улар учун ҳам омадсиз келди. Биз эронликлар яққол устунликка эришиш жараёнида имкониятни бой берди, дейиш фикрида йироқмиз. Бу ўйинга Саудия Арабистони футболчилари ҳам пухта ҳозирлик кўришганликларини намойиш қилишди. Лекин барча ҳаракатларга қарамай, қўшимча вақтда ҳам голиб аниқланмади. Шундан сўнг навбат ўн бир метрлик белгидан баҳс бойлашишгача бориб етди. Ҳақиқий «жанг» шунда ҳам давом этди. Биринчи зарбада Эрон терма жамоасининг энг тажрибали ҳужумчиси Али Дай дарвозани нишонга ололмагани учрашувга якун ясаши мумкин эди. Лекин курашнинг сўнгги сонияларгача давом этиши, галабага интилишнинг кучлилиги шу ҳаяжонли кезларда ҳам сезилиб турди. Дастлабки бештадан футболчилар бажарган пенальтидан сўнг ҳисоб 3:3 бўлиб якунланди. Демак, дарвозабонлар ўз ўрнида ҳақиқий жонбозлик кўрсатишди. Ниҳоят, навбатдаги баҳсда Саудия Арабистони дарвозабони кучли зарбани қайтаришга муваффақ бўлди. Бу мамлакат футболчиси Али Абдуллоҳ киритган тўртинчи гол эса қийин кечган ўйинга муваффақият билан якун ясади.

Ушбу ярим финал баҳслари омаднинг ўз-ўзидан келмаслиги, унга ҳам тинимсиз интилиш, бор имкониятларни ишга солиш ва жонни қийнаш эвазига эришиш мумкинлигини кўрсатди. Зеро, Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси ҳам, Саудия Арабистони футболчилари ҳам бу нуфузли мусобақада фақат голиб чиқиш учун қатнашганликларини исботлашди. Рақиблари имкониятларини тўғри баҳолаб тайёрланишди.

Бугун улар сўнгги учрашувда Осиё чемпиони деган номни эгаллаш учун майдонга чиқишади. Марҳамат, азиз муштарий, сизнинг башоратингиз қандай? Ким голиб чиқади—Бирлашган Араб Амирликларими ёки Саудия Арабистони?

Равшан МУСУЛМОНОВ.

● ТАЭКВОН-ДО (ВТФ)

СРЕДИ ЛУЧШИХ—АРМЕЙЦЫ

Более 1000 сильнейших спортсменов из Южной Кореи, США, Канады, Австралии, Индии, Пакистана, Сингапура, России, Узбекистана приняли участие в Сеуле в международном фестивале по таэквон-до (ВТФ).

Примечательно, что на соревнованиях был раздельный зачет — среди южнокорейцев и среди иностранцев. Причем в этой же категории выступали и многие ведущие корейские мастера, в данное время работающие инструкторами, тренерами в других государствах.

Фестиваль был богат программой — все-таки он проходил на родине таэквон-до. Здесь в отличие от соревнований, проводимых под эгидой Всемирной федерации таэквон-до (ВТФ), участники состязались и в демонстрации комплексов базовой техники — пумсе (индивидуальные и групповые упражнения), и в разбивании предметов, и в хореографических композициях.

Тем отраднее сообщить, что наши земляки оказались в числе самых лучших. Узбекистанские мастера — представитель армейского спортклуба МХСК Александр Ни, Равшан Ташпулатов и Эдуард Ли в финальной части групповых пумсе набрали 864 балла и стали серебряными призерами. Ташпулатов отличился и в демонстрации спецтехники. Его результат был вторым в разбивании доски в прыжке в длину.

Еще один представитель МХСК Евгений Хан продемонстрировал высокое спортивное мастерство в разбивании кирпичей ребром ладони, ногой—доски в прыжке на высоте 2 м 50 см. Так он завоевал две бронзовые медали. Также бронзовым призером в разбивании досок стал еще один узбекистанец—Александр Ким. Даже строгие зрители по достоинству, громкими аплодисментами, оценили выступление Акмаля Икрамова (МХСК). Он кулаком разбил десять черепиц. Больше, всего на одну черепицу, смог только южнокорейский мастер, работающий со сборной Индии.

Хочется выразить надежду, что узбекистанские мастера таэквон-до (ВТФ) еще не раз будут радовать своих земляков яркими победами на соревнованиях различного ранга.

Наш корр.

ПОГОДА

По сообщению Главгидрометцентра, 21—23 декабря в республике будет преобладать безоблачная погода без осадков.

Температура воздуха в эти дни будет ночью 0—5, днем +5+10.

Бош мухаррир подполковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: индекс 700031 г. ТАШКЕНТ, ул. Д. КУНАЕВА, 21

ТЕЛЕФОНЫ: Зам. редактора — 56-17-98, отв секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50.
Заказ № 0569.